O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 4 июнь, №116 (3228) Чоршанба


*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида

*Пахта толаси ишлаб чиқариш ва сотишда бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий қилиш, пахта толасининг республика бозорида рақобат муҳитини яратиш, етиштирилган пахта ва пахта маҳсулоти учун ҳисоб-китоб қилишнинг жаҳон амалиётида умумий равишда қабул қилинган шакллари ва тизимларини жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси* **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:

пахта маҳсулоти харидорлари ва ишлаб чиқарувчилари ўртасида ҳисоб-китобларнинг замонавий маданиятли шаклларини жорий қилиш;

пахтани қайта ишловчи корхоналар билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш ва шу асосда умуман иқтисодиётда маблағлар айланишини жадаллаштириш;

етиштирилган пахта хом ашёси ва пахта толаси учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш учун ташқи савдо компаниялари ва пахтани қайта ишловчи тузилмалар айланма маблағлари (шу жумладан ўз маблағлари ва қарз олинган маблағлар)нинг барқарор манбаларини аниқлаш пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштиришнинг муҳим мақсадли вазифалари ҳисоблансин.

2. Қуйидагича тартиб ўрнатилсин:

ташқи савдо компаниялари тузилган шартномалар асосида пахта толасини "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаларидан улгуржи харид қилади, кейинчалик уни жаҳон пахта бозорининг шаклланаётган конъюнктурасидан келиб чиқиб экспортга, шунингдек пахта толасини эркин муомаладаги валютага сотиб оладиган қўшма корхоналарга мустақил равишда сотади;

республика истеъмолчилари пахта толасини ким ошди савдолари асосида Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси орқали сотиб оладилар;

пахта толасини сақлаш ҳамда экспортга ва республика истеъмолчиларига бериш фақат ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминалларидан (омборлардан) амалга оширилади.

3. Белгилансинки, 2003 йил пахта ҳосилидан бошлаб ташқи савдо компаниялари:

ўз маркетинг стратегиясини мустақил равишда белгилайдилар ва пахта толасини сотишнинг замонавий самарали усулларини қўллаган ҳолда жаҳон пахта нархининг қулай конъюнктурасидан келиб чиқиб экспортга сотадилар;

пахта толасини экспортга етказиб бериш прогнозлари ва истиқболларидан ҳамда жаҳон бозорида пахта маҳсулотига шаклланаётган нархлардан келиб чиқиб "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан пахта толасини улгуржи харид қилиш юзасидан шартномалар тузадилар;

ҳисоб-китоб қилишнинг аккредитив шаклидан устун даражада фойдаланган ҳолда пахта толасини форвард ва фьючерс контрактлар бўйича экспортга сотишдан тушган маблағлар, шунингдек қарзга олинган маблағлар ҳисобидан "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан тўлиқ ҳисоб-китоб қиладилар.

"Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаларида пахта толасини харид қилиш нархлари билан уни экспортга сотишнинг амалдаги нархлари ўртасида шаклланадиган ижобий ёки салбий тафовут уни ўз айланма маблағларини тўлдиришга мақсадли йўналтирган ҳолда ташқи савдо компаниялари молия-хўжалик фаолиятининг натижаларига тегишли бўлади.

4. Қуйидагилар:

ташқи савдо компаниялари билан "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмалари ўртасида пахта толаси учун ҳисоб-китоблар схемаси;

республика истеъмолчилари билан "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмалари ўртасида пахта толаси учун ҳисоб-китоблар схемаси маъқуллансин.

5. Пахта толасини экспортга сотишнинг ва пахта толаси учун ташқи савдо компанияларининг "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилишнинг Вақтинчалик тартиби тасдиқлансин. Унда пахта толасини транспортда ташиш, сақлаш, юклаб жўнатиш ва экспорт қилишга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг чекланган миқдорлари ташқи савдо компаниялари томонидан оширилишини истисно этувчи талаблар назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси 2003 йилги ишлар натижалари бўйича кўрсатиб ўтилган Вақтинчалик тартибга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

6. Пахта толасини хорижий компаниялар ва фирмаларга "Ўзаукционсавдо" орқали ким ошди савдоси асосида эркин муомаладаги валютага сотишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси бир ой муддатда Пахта толасини Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси орқали сотиш ва унинг учун "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилишнинг вақтинчалик тартибини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

8. Пахта толасини экспортга сотувчи ташқи савдо компаниялари учун солиқлар ва бюджетга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

(Давоми 2-бетда).



«Ғалла – 2003»

*Жарқўрғон туманидаги «Халқобод» ширкат хўжалиги ғаллазорларида ўрим-йиғим ишлари бошлаб юборилди. Ғаллазорларда айни кунларда саккизта «Кейс» комбайни тўла қувват билан ишламоқда.*

*Ширкат хўжалигида 872 гектер ер 92 нафар оилавий пудратчига бўлиб берилганлиги бу ерда ҳосилдорликнинг юқори бўлишини таъминламоқда. Бошқача айтганда, ҳар гектар майдондан 45-50 центнердан ҳосил йиғиштириб олинаяпти.*

***СУРАТДА: комбайнчи Абдумажид Маллаев мавсумда ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.***

**И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## Ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги алоқалар, кўпгина соҳаларда бўлгани каби, фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси борасидаги ҳамкорликда ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бундай ҳамкорлик 1998 йилнинг 6 майида имзоланган "Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматлари ўртасида фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида"ги битимга мувофиқ амалга оширилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бир гуруҳ мутахассислари Москва шаҳрида бўлди. Ташрифдан асосий мақсад фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш масалалари бўйича ҳукуматлараро алоқани янада мустаҳкамлашдан иборат эди.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири Б.Субанов Россия Федерацияси фавқулодда вазиятлар вазири С.Шойгу билан учрашди.

Ҳар икки мамлакат Фавқулодда вазиятлар вазирликлари мутахассислари фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишда ҳукуматлараро алоқаларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашди.

Ташриф чоғида Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ташкилий тузилмаси қидирув-қутқарув кучлари гуруҳларини шакллантириш тартиби, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими, махсус авария-қутқарув техникаси асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш тажрибасига оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### Б.А. Исламовни Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Бахтиёр Анварович Исламов Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 3 июнь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### Б.А.Исламовга Фавқулодда ва Мухтор Элчи дипломатик мартабасини бериш тўғрисида

Бахтиёр Анварович Исламовга Фавқулодда ва Мухтор Элчи дипломатик мартабаси берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 3 июнь.

Олий Мажлисда



## Эзгу мақсадлар ифодаси

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази «Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Инсон ҳуқуқлари бўйича универсал шартномалар» номли тўпламни нашрдан чиқарди. Мазкур тўплам бундан бир мунча муддат олдин Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясининг қўшма мажлисида нашрга тавсия этилган эди. Кеча Олий Мажлисда ана шу тўпламнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ўзбек тилида тайёрланган мазкур китоб уч бўлимдан иборат. Илк қисмда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича 10 та универсал шартномаси, иккинчи қисмда Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) қабул қилган ва инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этадиган 16 та халқаро конвенция жамланган. Учинчи қисмдан ЮНЕСКО қабул қилган иккита ҳужжат ўрин олган.

Тақдимот маросимида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Р. Конрой ва бошқалар сўзга чиқишди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Аёлнинг жамиятдаги ўрни

Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Раҳбар аёлнинг жамиятдаги ўрни" мавзуида семинар ўтказди.

Тадбирда сўзга чиққан Қувайт, Миср, Грузия, Латвия, Чехия, Жазоир давлатларининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчилари рафиқалари бугунги кунда ўзбек аёлларининг олиб бораётган ишларини юқори баҳолашди.

Анжуман доирасида шунингдек, "Шарқ гули" фабрикасининг маҳсулотларидан ташкил топган кўргазма ва Республика рассомчилик коллежи талабаси Зуҳра Хўжаева яратган либослар, бадиий миниатюралар намойиш этилди.

**М. ХОЛМАТОВА**

# ҲАММАСИ ҚАНДАЙ БОШЛАШИМИЗГА БОҒЛИҚ

Болалар спорти

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳбарлигида спортни ривожлантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. 2002 йил 24 октябрда «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Президент Фармонининг имзоланиши бу борадаги яна бир катта қадам бўлди. Орадан бир ҳафта ўтгач эса Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори чиқди. Кўриниб турибдики, масала давлат сиёсати даражасида ҳал қилинмоқда. Бундай ёндашув дунёдаги бошқа бирор мамлакатда кузатилмаган.

Янги жамғарманинг иш бошлаганига етти ой бўлди ва афтидан, у ўзининг илк самарасини кўрсатиши лозим эди. Бироқ, афсуски ҳар доим ва ҳамма жойда натижаларни ижобий ишлар қаторига қўшиб бўлмайди.

Жамғарманинг асосий вазифаси — жисмоний ва маънан соғлом авлодни тарбиялаш, ёшларнинг соғлом турмуш тарзи ва чиниқишга интилишини кучайтириш, умуман оммавий болалар спортини муваффақиятли ривожлантиришдир. Ўтган давр давомида мазкур жамғарманинг минтақалардаги вакилликлари кучи билан 1200 дан зиёд спортнинг ҳар хил турлари бўйича тўгараклар ташкил этилди. Уларда жами 31 минг нафар ёш ўзбекистонлик спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Вилоятларда бир қатор катта спорт мажмуалари ва майдонлари қурилмоқдаки, бу қишлоқ жойларда ҳам болаларнинг спорт билан шуғулланишига кенг имконият яратади. Яқинда «Умид ниҳоллари» ўйинлари муваффақиятли ўтказилган Хоразм вилоятида бунёд этилган бир қатор спорт масканлари фикримизнинг далилидир. Навбатда эса Андижон вилоятида «Баркамол авлод» мусобақаси иштирокчилари энг замонавий анжомлар билан жиҳозланган спорт иншоотларида ўз кучларини синаб кўришмоқчи. Айни пайтда мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам бир қатор янги спорт масканлари қурилиши мўлжалланган.

Бироқ, ҳамиша ва ҳамма нарса «марказ»га боғлиқ эмас. Маълумотларга қараганда, жойлардаги айрим раҳбарлар мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш аҳамиятини ҳанузгача тўлиқ англамаган кўринишади. Уларнинг фаолиятига назар солиб кўпгина ишлар ҳануз «хўжакўрсинга» бажарилаётганлигини кўриш мумкин. Жамғарма сармояси корхоналар, хусусий тадбиркорлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий пул маблағлари ҳисобига йиғилади. Жойларда кўпгина спорт заллари ва майдончалар сифатли таъмирланмоқда, аммо амалда машғулотлар олиб борилмаяпти. Кўп ҳолларда машқ учун етарли анжомлар йўқ. Бундай ҳолатни Самарқанд вилояти мисолида кўриш мумкин. Вилоятдаги барча спорт заллари кўркам кўринишга келтирилган, бироқ болалар машғулоти учун оддий тўпнинг топилмаётганлиги ғалатидир. Тасаввур қилинг, чиройли қилиб бўялган залда тўпсиз қандай қилиб қўл тўпи билан шуғулланиш мумкин? Бундай ҳолларда болаларнинг спортга иштиёқи сўниб қолмасмикин?

Текширишлар шуни кўрсатдики, айрим жойларда тайинли залнинг ўзи йўқ. Бундай камчиликни Қашқадарё вилоятида учратиш мумкин. Мутахассислар фикрича, спорт турларининг асосини енгил атлетика, сузиш ва бадиий гимнастика ташкил этади. Бадиий гимнастика «Умид ниҳоллари» дастурига махсус киритилган эди. Чунки бу спорт тури болаларда энг зарур жисмоний қобилиятлар: кучлилик, эпчиллик, тезкорлик, гўзалликни ҳис этиш туйғусини ривожлантиради. Лекин, баландлиги атиги 2 метрдан сал зиёд бўлган, қишда умуман иситилмайдиган бинода дийдираб турган 6-7 яшар қизалоқлар бадиий гимнастика билан шуғулланишларига тўғри келса, эпчиллик ва гўзаллик ҳақида қанақа гап бўлиши мумкин?! Шу маънода қашқадарёлик қизларнинг республикада охирги ўринни олишларига ажабланмаса ҳам бўлади. Эҳтимол, Жамғарманинг ўзини-ўзи маблағ, жумладан, анжомлар билан таъминлаётган бошқа вилоятлардаги вакилликлари тажрибасини ўрганиш керакдир? Сурхондарё вилоятида бу борада олиб бораётган ишлар мақтовга арзигуликдир. Жамғарманинг бу ердаги маҳаллий бўлими вилоятдаги коллежлар билан нафақат спорт формалари тикиш, шунингдек, каптоклар тайёрлаб бериш юзасидан ҳам шартномалар тузишган. Сузиш ҳавзалари шошма-шошарликсиз, лекин расамади билан асл ҳолига тикланди. Тегишли маълумотга эга мутахассислар муаммоси туғилган эди, Термиз Давлат университети билан келишиб ҳал этилди. Эндиликда сурхондарёлик жисмоний тарбия мураббийлари ва ўқитувчилари махсус курсларда ўз малакаларини оширишлари мумкин.

Ҳа, бу ҳали катта йўлнинг бошланиши. Албатта, барча ишлар бирданига ўнгидан келавермаслиги мумкин. Бугунги кунда, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга бу ташкилотнинг оёққа туриш жараёни кечмоқда. Айнан шу паллада ишнинг кўзини билиб, ҳар томонини ҳисобга олиб ҳаракат қилиш тақазо этилади. Бундай бошламаларда майда-чуйда ишнинг ўзи йўқ. Бу фаолият келажакда чинакам жўшқин оқимга айланадими ёки бир қанча майда ирмоқларга бўлиниб кетадими — ҳаммаси қандай бошлашимизга боғлиқ.

**Андрей КИМ,**
**Ўз мухбиримиз.**

## Офтоб келтирган офат

Ҳиндистоннинг Андхра Прадеш штати мисли кўрилмаган жазирамадан азият чекмоқда. Икки ҳафтадан зиёд ҳаво ҳарорати 45-48 даражадан пасаймаётгани оқибатида 1020 нафардан зиёд киши оламдан кўз юмди. Сўнгги бир кеча-кундузда эса 136 киши иссиқдан ҳалок бўлди.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича комиссар Д. Расайенинг "Рейтер" агентлиги мухбирига берган маълумотига қараганда, бундай ҳарорат штатдаги бир неча шаҳарда мавжуд.

Синоптиклар башорати ҳам кўнгилга таскин бермайди. Чунки улар жазирама яна бир неча кун давом этишини айтишмоқда. Бунинг устига ичимлик сувининг сифатсизлиги ҳам масалани чигаллаштирмоқда. Сув камлигидан, айниқса, камбағаллар яшовчи ҳудудлар қийин аҳволда кун кечиришаяпти.

Айни пайтда жазирама ҳаво Орисса штатини ҳам қамраб олган. Ҳудудда офтоб уриши ва тана сувсизланиши натижасида жабрланганлар сони кўпаймоқда.

Ҳукумат аҳолини ҳимоя қилиш учун барча чораларни кўришга киришган. Жазирамадан азият чекаётган ҳудудларга ичимлик суви мунтазам етказиб берилмоқда. Ҳалок бўлганларнинг оилаларига эса 10000 рупий (тахминан 210 АҚШ доллари) миқдорида товон пули берилаётир.

Аҳоли муссон ёмғирларини сабрсизлик билан кутмоқда. Ёмғирлар одатда мамлакат жанубида ёз ойининг дастлабки кунлари бошланади.

Айтиш лозимки, Андхра Прадеш аҳолиси ўтган йили ҳам жазирамага дуч келганди. Ўшанда ҳам ҳаво ҳароратининг кўтарилиб кетиши мингдан зиёд кишининг ёстиғини қуритган эди.

**Солим ДОНИЁРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

# Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги 252-сон қарорига мувофиқ Бухоро, Сирдарё, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминаллари ташкил этилганлиги ва фаолият кўрсатаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар комплекси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси 2003 йил 1 сентябргача бўлган муддатда республика минтақаларида қўшимча равишда камида олтита ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминаллари ташкил этсинлар, бунинг учун мавжуд омборхоналардан фойдалансинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат мулки қўмитаси, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси ташқи савдо компанияларига "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаларидан пахта толаси харид қилиш, уни сертификатлаш, сақлаш, суғурталашда ва экспортга етказиб бериладиган пахта толасини ташишни амалга ошириш учун тегишли инфратузилмани ташкил этишда кўмаклашсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги бир ой муддатда пахта толаси ва линтини қайта ишловчи барча маҳаллий саноат корхоналарини хатловдан ўтказсинлар, 2003 йил 1 сентябргача бўлган муддатда, хусусий корхоналар ташкил этган ҳолда уларни тўлиқ хусусийлаштирсинлар.

Жорий йилнинг 1 сентябригача бўлган муддатда хусусий мулк этиб қайта ташкил қилинмаган корхоналар бўйича Вазирлар Маҳкамасига уларни тугатиш ҳамда объектлар ва мол-мулкларини бўлиб-бўлиб сотган ҳолда давлат реестридан чиқариш тўғрисида таклифлар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

бир ой муддатда идоравий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.М.Ғаниев ва Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 3 июнь.



*Охунбобоев туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги пиллакорлари жорий йилда 190 қути ипак қуртидан 7986 килограмм «кумуш тола» етиштиришни мўлжалламоқдалар. Шу мақсадда бу ерда пилла терими уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Гулнора Қодирова бошлиқ оилавий пудратчилар эса 2 қути ипак қуртидан 150 килограмм пилла йиғиштириб олиб, шартномавий режани ошириб бажардилар.*

***СУРАТДА:** Гулнора, Гулноза ва Ҳаётхон Қодироваларнинг ҳосилдан кўнгли тўқ.*

**М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Чеҳраси мунаввар кишилар

Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги ва унинг бошлиғи Аҳмад Нарзуллаев ҳақида эшитгансиз-а? Танимаганлар учун ён дафтаримизга ёзиб қўйилган баъзи далилларни такрорлаб ўтамиз: хўжаликда бултур 480 тонна гўшт, 12 тонна колбаса, сариёғ ва пишлоқ ишлаб чиқарилди. Мавжуд экин майдонларининг ҳар гектаридан 96 центнердан ғалла, 230 центнердан полиз ҳосили олинди. Пировардида даромад 740 миллион сўмни ташкил этди. Соф фойда эса 150 миллион сўмдан ортди.

«Лочин»нинг ўзи қурган мактаби ҳам бор. 260 ўринлик, икки қаватли. Фермер барпо қилган Чинор қишлоғидаги спорт мажмуида эса 180 нафар йигит-қиз шуғулланмоқда. Вилоятдаги энг яхши ринг — шу мажмуада.

Аҳмад фермерни яқинда туман ҳокимлигида учратиб қолдим. У қишлоқдаги мактабнинг тўкилиб қолган ошхонаси ўрнида врачлик пунктини қурмоқчи экан. Ҳокимликдагилар бу ташаббусни, табиийки, қўллаб-қувватлашди.

Яна бир гап. Бундан анча вақт аввал Аҳмад фермер каттакон йиғилишда «Мен икки-уч ширкат хўжалигининг даромадини бера оламан» деган эди. Бу гапга кўпчилик ишонмаганди, албатта. Бугун бўлса... ишонаяпти. Жорий йилда фермер хўжалиги 50 гектар ерни қўшиб олди. «Олтой», «ТТЗ—100» русумли тракторларни харид қилди. Куни кеча туманнинг 200 нафар фермери «Лочин»да меҳмон бўлди. Улар «Лочин»нинг парвозларини ўз кўзлари билан кўриб, оғизлари очилиб қолишди. Лекин Аҳмадбой бу ташрифдан кўпам хурсанд бўлмади. Чунки фермерларнинг ичида ёшлар кам эди. Ваҳоланки, у издошларининг сафида ёшларнинг кўпроқ бўлишини истарди, шуни кутган эди...

— Мисол учун, «Баҳриддин» фермер хўжалигини олиб кўрайлик, — дейди у фикрини изоҳлаб. — Унинг бошлиғи Баҳром Дилов 33 ёшда. Ғайратли, тиниб-тинчимас йигит. Шу боис яхши кўраман. Алоҳида қизиқиш билан унинг ишини кузатиб бораман.

Баҳром ширкат хўжалигининг фермасини сотиб олганида, йигирма беш ёшда эди. Ўшанда фермадаги 150 бош молнинг нимжонлигини кўрганлар «Баҳромжон болалик қилиптида» деб ўйлашувди. Ҳақиқатан ҳам, Баҳромнинг шошиб қолган пайтлари кўп бўлди. Бундай маҳалда отаси — Чори бобо унга қувват бўлди. Акалари Чоршанби, Абдусаттор, Абдуғаффорлар қўллаб-қувватлашди. Андижонсой қишлоғининг Муртоз, Дилмуродга ўхшаган йигитлари ёш йигитнинг қаватида туришди.

Ўша фермада, биласизми, бугун 900 бош қорамол боқилмоқда. Елини булутдай келадиган сигирлар, кунига бир ярим кило семирадиган новвослар бор уларнинг ичида.

«Баҳриддин» бултур, айниқса, «беш» кетди: салкам 600 миллион сўм даромад

**Фермерлик ривожи — тараққиёт омили**

қилди. Шу даромадга яраша соф фойда олди.

Фермада юзтача соғин сигир парваришланмоқда. Уларнинг ҳар биридан кунига 10-15 литрдан сут соғиб олинади. Албатта, ўн литр сут берадиган сигир 30-35 килоча ем-хашак ейди. Кунига бир-бир ярим кило семирадиган серишташа новвосларнинг ташвишини-ку, сўраманг.

Мен бу ерда яна териси этига торлик қилиб қолган ва шишшак, чори, панжи ёшидаги қўйларни кўрдим.

— Қўйни қандай қилиб юз килодан ошириб семиртирса бўлади? — деб сўрайман бош чўпон (аркар) Муртазобойдан.

— Қўйингиз борми? Унга сиз ҳам зиғир кунжараси, ерёнғоқ пояси, узумнинг данаги, жўхори ёрмасини бериб кўринг. Семирмаса, кейин кўрасиз, — дейди Муртазобой кулиб.

Ана, сизга меҳнат! Озгина уринишни айримлар машаққат, деб биладилар-у, ўзларини ишдан олиб қочадилар. Яна денг, кўзларига тоғдай кўринган ўша меҳнатни зиммасига олиб, бири икки, иккиси тўрт бўлиб кетаётган одамларнинг устидан ё кулмоқчи бўладилар, ёки бўлмаса, кўролмайдилар. Ишлашнинг ўрнига гап сотадилар. Ғирром амалларни ўйлаб топадилар. Ўшандайлар бугун Баҳромбойга, Муртазоларга, фермада сут соғаётган ишчиларга қуюқ салом беришларини, улардан ишлашни, қандай яшашни, меҳнатдек тотли неъматдан қандай завқланишни ўрганишларини истардик.

Баҳромжон пул топиб, пул тўплаб, пул санаб ўтиргани йўқ. Унинг пуллари одамлар манфаати учун, юрт фаровонлиги учун хизмат қилмоқда. Ахир, икки йил ичида у иккита ичимлик суви қудуғини қаздирди, экскаватор ёрдамида икки чақирим узунликдаги зовурларни тозалаб берди. Яна устози Аҳмад Нарзуллаевнинг изидан бориб, янги мактаб иморатини қуриб бермоқчи, йўл-кўприкларни созламоқчи...

Унинг чўнтак телефони дафъатан жиринглаб қолди. Телефондаги кишининг «Қирқ беш миллион сўмга пишлоқ ишлаб чиқарадиган линия бор, оламан десангиз» деган гапига жавобан Баҳром «Жонкуярлигингиз учун ташаккур. Ўшандай линияни биз ўн бир миллионга топдик» дея кулди. Сўнг бизга ўгирилиб, «Айрим «ака»-ларимиз бизни авом деб ўйлаганлари қизиқ. Қаранг, молига тўрт баравар ошиқча нарх қўйиб пулламоқчи бўлишаяпти. Тушларини сувга айтмайдими! Бундай ғирромликлар билан мен ўзимни, ўзлигимни, ўзбеклигим шаънини камписанд қилмаслигим керак. Ахир, мен бугун жаҳонни кезаяпман, жаҳон билан гаплашаяпман», деди.

Баҳромнинг сўнгги гаплари беҳуда ҳаволаниш эмас. Баҳром яқинда Ғарбий Украинага бориб, германиялик Фердинанд деган дўстини учратибди. Дўсти иккаласи Деновда тушёнка ишлаб чиқарадиган қўшма корхона очиш лойиҳаси бўйича келишиб олибди. Фердинанд Баҳромни бошқа хорижлик ишбилармонлар билан ҳам таништирмоқчи бўлибди.

Мана, сизга киройи фермер! Қирқ беш йил сартарошлик қилган Чори бобо раҳматлининг кенжа ўғли Баҳром Дилов бугун машҳур фермер, Аҳмад Нарзуллаевнинг шогирди, зиммасидаги минг хил ташвишларни аъло даражада уддалаб, яна кунига кўнглидан неча ўнлаб орзу ниҳоллари униб чиқаётган тадбиркор, ўзлигидан, ўзбеклигидан қалби масрур тортган ўғлон.

Яна телефон жиринглайди. Телефон орқали Баҳром кулиб гаплашади. Умуман, у ҳамма билан кулиб, очиқ чеҳра билан суҳбатлашади. Шошилмайди. Асабийлашмайди. Ҳовлиқмайди. Эркин қадам ташлайди.

Бундай йигитлар билан бутун борлиқ ҳам очиқ чеҳра ила муомалада бўлади...

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Анжуман Вашингтонда ўтди

*Маълумки, Ўзбекистон-АҚШ давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари барча тармоқларни, жумладан, илмий техника соҳасини ҳам кенг қамраб бормоқда.*

Ўзбекистон ёш олимлари миллий жамияти аъзолари бу ҳамкорлик йўналишини бир неча йилдан бери давом эттириб келишяпти. Хусусан, 2000 йили АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан «Ёш олимлар ахборотномаси» чоп этилди. Ўтган йили эса ушбу мамлакатнинг Давлат департаменти томонидан «Хоразмнинг ноёб ёзма ёдгорликларини матн ва графика услубида сақлаш» мавзусидаги грант лойиҳалари ютиб олинди. Шунингдек, ҳамкорлик доирасида бир қанча илмий-назарий семинарлар ҳам ўтказилади.

Бу галги ана шундай анжуман Вашингтоннинг Жоржтаун университети қошидаги Ресурс марказида Ўзбекистон ёш олимлари миллий жамияти раиси, тарих фанлари доктори Элёр Каримов ва АҚШ Давлат департаментининг дипломатик соҳалар бўйича ходими, антропология фанлари доктори Девид Абраисонлар ташаббуси билан ўтказилди. «Сиёсий ислом ва ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида муқаддас жойларнинг қайта тикланиши» мавзуидаги бу анжуман қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир қатнашчилари мамлакатларимиз ўртасида дўстона ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлигини таъкидладилар.

**Нурали ШОДИЕВ.**

# МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ — ДАХЛСИЗ

Тошкентда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан Ўзбекистон Давлат муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги ҳамкорлигида «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни жамоа бўлиб бошқаришнинг хусусиятлари» мавзусида халқаро семинар ўз ишини бошлади. Ўзбекистон Давлат муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги раиси Абдулла Орипов бошқариб борган бу анжуманда хорижлик мутахассислар ҳам иштирок этди ва маърузалар қилишди. Семинардан кўзда тутилган мақсад республика муаллифлари, ижрочилар, артистлар, телерадио, аудио, видео киностудияларнинг шу соҳадаги тегишли ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга салбий таъсир этадиган омилларни бартараф этиш, муаллифлик ва ижрочилик ҳақларини йиғиш, тақсимлаш тизимини шакллантиришда кўмак беришдан иборат.

Маълумки, Ўзбекистон 1993 йилдан буён интеллектуал мулкни ҳимоя қилишга ихтисослашган Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Бу халқаро ташкилот билан Ўзбекистон ҳар томонлама ҳамкорлик ўрнатган. Сўнгги пайтларда бу ташкилот ҳомийлиги ва ҳамкорлигида республикамизда бир қатор халқаро анжуманлар ўтказилиб келинмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси ҳам яратилган. «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги , «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Анжуманда, шунингдек, таъкидландики, республикамизда ҳар бир кишининг эркин ижод қилиши учун кенг шароитлар ва имкониятлар яратилган. Лекин турли-туман ахборот бозорида муаллифларнинг асарлари ҳамма вақт ҳам тўла ҳимоя қилинмаётир. Масалан, рухсатсиз равишда, муаллифларнинг розилигисиз уларнинг асарларини аудио-видео тасмаларига ёзиб олиш, кўпайтириш, бозорларда қонунсиз сотиш, натижада эса муаллифларга муаллифлик ҳақларини тўлашни пайсалга солиш ҳоллари кўплаб учрайди.

Анжуман ўз ишини давом эттирмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

*Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, жамиятда мулкдорлар синфини шакллантирмасдан ва уни талаб даражасига кўтармасдан туриб, давлатнинг иқтисодиётини, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишга эришиш мумкин эмас. Бозор муносабатлари жорий этилаётган республикамиз учун бу омил алоҳида аҳамият касб этади.*

*Мазкур масалани ҳал этиш мақсадида бизда қонунлар, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган. Ушбу ҳужжатлар иқтисодий ислоҳотларнинг негизи бўлган тадбиркорликнинг турли кўринишларини молиявий, ҳуқуқий, технологик ва ахборот билан таъминлашга қаратилган бўлиб, уларда тадбиркорлик фаолияти тартибини мураккаблаштирувчи идоравий ҳужжатларни чиқариб ташлаш, ҳукумат қарорларида назарда тутилмаган қўшимча маълумотномалар ва ҳужжатларни талаб этишни таъқиқлаш кўзда тутилган. Айниқса, бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 347-сонли қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиби 8-12 кунга қисқартирилди.*

# ҚОҒОЗ КИШАН

**Мухбир муаммо қўяди**

Аҳволни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, жисмоний шахсларга тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқи берилгандан кейин улар, биринчи навбатда, ер майдони, рухсатнома ва лицензия олиш, коммуникация тармоқларига уланишда жуда катта муаммоларга дуч келмоқдалар. Айтайлик, ишлаб чиқариш фаолиятининг бирор тури билан шуғулланмоқчи бўлган тадбиркордан, аввало, маҳаллий ва давлат бошқарув органлари ҳамда турли ташкилотларда 10 дан ортиқ босқичдан ўтиши талаб этилади. Бундан ташқари, у 50 дан зиёд ҳар хил ҳужжатларни тақдим этиш учун 1,5 миллион сўмгача сарф-харажат қилиши, бизнес-режа тузиш, уни техник экспертизадан ўтказиш, лойиҳаларни тайёрлаш, фаолият тури, йўналишини белгилаш учун эса яна 60 мингдан 500 минг сўмгача пул сарфлаши керак бўлади. Устига устак, бу жараёнлардан ўтишда жуда кўп вақт сарфланади. Масалан, тадбиркор қурилиш учун лойиҳа-сметани тайёрлагач, техник хулоса олмоқчи. Бунинг учун у Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг шаҳар ва туман бўлимлари, СЭС (санитария-эпидемиология станцияси), давлат ёнғин назорати, электр тармоқлари идораси, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий органлари, тарихий, маданий ёдгорликларни сақлаш бошқармаси сингари яна кўплаб ташкилотлардан ёзма розилик олиши шарт. Шубҳасиз, бу жойдаги мутасаддилар: "Марҳамат, бир келиб қолибсиз, бир пиёла чой ичиб туринг, унгача ҳужжатни тўғрилаб берамиз", дейиши даргумон. Улар ичида пайсалга солувчилар, таъмагирлар кам эмас.

Янгидан ташкил этилаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари-чи? Улар ажратилган ер майдонларини расмийлаштираётганида энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида бож тўлаш билангина чекланмайди. Мисол учун, ҳали экин экмаган, ҳосил кўтармаган фермер ер майдонининг топографик чизмаси ва "Ўзгеодезкадастр" органлари рўйхатидан ўтиши учун, ер майдонининг ҳажмига қараб, жумладан, 0,1 гектарга 17041 сўм, 1 гектар учун эса 82630 сўм тўлаши лозим.

Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг қурилиш фаолияти билан шуғулланиши учун рухсатномалар олиш тартиби ҳам мураккаблаштириб юборилган. Ўнлаб ташкилотлар билан келишиш, лойиҳа-сметани тасдиқлатиш учун ҳамёнингиз бақувват бўлиши керак.

Яна бир гап. Тадбиркор ўз билганича қурилиш лойиҳа-сметасини туза олмайди ва бунга унинг ҳақи ҳам йўқ. Бундай ҳуқуқ фақат лойиҳа институти гарданига юкланган. Бу даргоҳдаги чизмакашлар эса тадбиркордан иншоот умумий сарф-харажатининг 5-10 фоизигача ва экспертизадан ўтказиш учун лойиҳа умумий қийматнинг 1 фоизи миқдорида ҳақ олишгандан кейингина, ишга қўл уришади. Сўнгра ҳужжатлар тахлами Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги архитектура ва қурилиш кенгашига тасдиқ учун тақдим этилади.

Айрим ҳолларда бу борада ғалати буйруқлар ҳам чиқариладики, уни "ҳазм" қилиш жуда қийин. Мисол учун, Яккасарой тумани меъмори Р. Илҳомов имзоси билан Усмон Носир кўчаси, 53 "Б" уйни таъмирлаш ҳақида 2001 йил 4 июлда 27- сонли маъмурий буйруқ чиқарилган. Унда, хусусан, шундай дейилади: "Мазкур буйруқ берилган муддатда ижро этилмаса, маъмурий жавобгарликка (жарима, ишни прокуратурага, судга ошириш, ўзбошимча қурилган иншоотни бузиб ташлаш) тортиласиз".

Шу ўринда, аввало, тадбиркорнинг бу ишларни бажаришга нечоғлик имконияти мавжудлиги тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш кераккa ўхшайди. Гап шундаки, энди у " Ўзгеодезкадастр"га йўл олади. Бу ерда ҳужжатлар 10 кун ичида кўриб чиқилади. Тўғри, сарф бўладиган чиқим айтишга ҳам арзимайди: жисмоний шахслар учун энг кам иш ҳақининг 0,1, юридик шахслар учун эса 0,5 миқдорида, холос.

Навбатдаги босқич — "Ўзкоммунхизмат"га бош суқишдан аввал тадбиркор мазкур агентлик бош директорининг 1994 йил 16 сентябрдаги ва 1996 йил 3 июндаги 144 ва 9- сонли буйруқларидан воқиф бўлмоғи шарт. Чунки уларда сув таъминоти ва оқова сувлар тармоғига уланишнинг баҳоси 3000 сўмдан 20 минг сўмгача этиб белгилаб қўйилган.

Олдиндан айтиб қўйган яхши-да, тадбиркорнинг кейинги босқичдан ўтиши борган сари мураккаблашади. Гап электр тармоғига уланиш жараёнлари ҳақида кетмоқда. Шўринг қурғур бу ташкилотдагилар ҳамон ер юзидан буткул йўқ бўлиб кетган СССР деган давлатнинг 1967 ва 1982 йиллардаги йўриқномаларидан фойдаланишмоқда. Электр қувватидан фойдаланиш қоидалари "Ўзбекэнерго" ДАКнинг 2002 йилдаги 1.2.2. буйруқлари бўйича юритилмоқда. Лекин унга СССР Энергетика вазирлигининг 310-сонли (1981 йил, 12 июнь) буйруғи билан тасдиқланган ҳужжат илова сифатида тиркалиб қўйилганига нима дейсиз?

Энди буёғини эшитинг.Тадбиркор талаб қилаётган электр қуввати миқдорига қараб, 60 минг сўмдан 68 минг сўмгача пул тўлагач, қуйидаги 5 та ташкилотга ёзма равишда мурожаат этиши зарур: шаҳарсозлик ва архитектура бош бошқармаси (объект жойлашувининг лойиҳа нусхасини олиш учун), электр таъминоти идораси (электр қуввати мавжудлиги тўғрисида розилик олиш учун), лойиҳачи ташкилот (ички ва ташқи боғланиш лойиҳасини тасдиқлатиш учун), "Электртаъминот" ва "Ўздавэнергоназорат" (тармоққа уланишга рухсат олиш учун), ҳокимлик (электр қувватига лимит учун).

Галдаги босқич — газ идораси. Паст босимли газ тарқатиш пункти(ГРП)ни ҳисобга олмаганда, тармоққа уланишга 3000 сўмдан 20 000 сўмгача тўлаш керак.

Қурилаётган объектнинг санитария меъёрларига мос келиши учун ҳам, албатта, рухсатнома лозим. Санитария-эпидемиология назорати идорасининг ҳудудий органлари ходимлари бир ҳафта мобайнида лаборатория таҳлили ўтказиб, хизмат ҳақига 9450 сўмгина олишади, холос. Аммо вилоят бошқармасида эса, бир йиллик гигиена сертификати учун 20 000 сўмдан 90 000 сўмгача муллажиринг талаб қилишади.

Айтганча, "Экологик экспертиза" деган атамани эшитгандирсиз? Тадбиркор бўламан, деган зот ана шу ҳужжатни ҳам папкасига жойлаши шарт. Унинг нархи энг кам иш ҳақининг 3 баробаридан 70 баробаригача туради. Шу билан бирга, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳисоб рақамига 9412 сўм кўчириб, экологик сертификатни олиш учун 15 кун кутиш даркор.

Тадбиркорнинг пешонасига яна сифат сертификатини олиш ҳам ёзилган. Бундай сертификат "Ўзстандарт" агентлиги томонидан берилади. Ушбу ташкилот эса, фаолият тури ва маҳсулот ассортиментига қараб, 30 минг сўмдан 160 минг сўмгача пул сўрайди.

Янгиқўрғон туманидаги "Болажон" масъулияти чекланган жамияти раҳбари С. Абдураҳмоновнинг айтишича, у болалар озиқ-овқати маҳсулотлари ишлаб чиқармоқчи экан. Шу мақсадда "Ўзстандарт"га мурожаат этади. Қадоқлаш ускунасини ўрнатиш учун сертификат олишга 42 минг сўм, маҳсулот сифатига сертификат учун 47 000 сўм (6 ойлик муддатга), Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсати учун энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида, гигиена ҳолати сертификатига 30 000 сўм (бир йиллик муддатга) тўлашга мажбур бўлади.

Кузатишлардан маълум бўлдики, тадбиркор муайян фаолият турини танлаб, ишни бошлаб юборгунга қадар турли-туман ташкилотларга 50 мартадан кўп ариза ёзишига тўғри келар экан. Бу — оддий арифметик усул билан ҳисобласак, бир варақ қоғоз 30 сўм турса, жами 1500 сўм, дегани. Энди тасаввур қилинг: барча ҳужжатлар пакетини жамлашга қанча қоғоз кетади? Энг ачинарлиси, тадбиркор ўз ишини йўлга қўйиб олиши учун анча вақт сарф қилиб, кўплаб асаббузарликларга дуч келади.

Булардан англашиладики, ҳали тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватловчи, ҳимоя қилувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бера олмайди. Уларни янада соддалаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шунда тадбиркорлар олдида турган барча тўсиқлар олиб ташланади ва улар эмин-эркин фаолият юритиш имконига эга бўладилар.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Қарор ва ижро

*Ҳар бир мамлакат тараққиёти жамиятдаги қонун ва ҳукумат қарорларининг ижроси қанчалик таъминланиши билан белгиланади. Бошқача айтганда, хоҳ у ишлаб чиқарувчи, хоҳ тадбиркор, тижоратчи ёки оддий солиқ тўловчи бўлсин, унинг нечоғли қонунларга амал қилиши билан жамиятда фаоллиги ортиб боради. Акс ҳолда эса...*

# Узоқдаги қуйруқни деб...

Бекободлик Камол Ҳожиев таниши Акбар Маҳкамовга: «Сирдарё шаҳрига бориб савдога мол олиб келамиз» дея гап солди. У рози бўлгач, иккови йўлга тушди. Манзилга етиб келгач эса Камол шеригига «Сиз машинада ўтириб туринг-чи», деб шаҳар бозорига кириб кетди. У ерда ўзини Олим деб таништирган киши билан хуфиёна гаплашди. Сўнг машинаси ёнига келиб кутиб турди. Ярим соат ҳам ўтмасдан, оқ рангдаги фургон «Москвич»да Олим пайдо бўлди. У Камолни чақириб бозордан узоқроқ, холи жойга машинасини олиб боришини айтди. Бу вақтда Акбар Камолнинг буйруғи билан машинада «Москвич» ортидан эргашди. Одамлар назаридан четроқ жойга чиқишгач, Олим келтирган «мол»ни «Дамас»га юклади. Иш бир зумда ҳал бўлганидан оғзи қулоғига етган Камол ҳайдовчига:

— Қайдасан, Бекобод, кетдик, — деди хурсанд оҳангда.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, икки жўранинг бу сафари узоққа чўзилмади. Улар минган машина Сайхунобод тумани ҳудудидаги «Паром» постига етиб келганида йўл-патрул хизмати инспекторлари томонидан тўхтатилди. Туман прокуратурасининг солиққа оид жиноятлар бўлими ходимлари «Дамас»ни кўздан кечиришганида, қўшни Қозоғистонда ишлаб чиқарилган Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси билан ёрлиқланмаган 1186 дона 0,5 литрлик, жами бир миллион 67 минг 400 сўмлик «Пшеничная» ароғи ноқонуний тарзда сотиш учун олиб кетилаётган экан. Қўл ураётган иши қонунга зид эканлигини билса-да, бундай салбий ҳаракатлардан ўзини тўхтата олмаётганлар ҳали ҳануз учраб тургани кишини ажаблантиради. Улар арзимас фойдани деб катта пулга сотиб олинган маҳсулоти мусодара қилинишини ҳам ўйламаётганига ҳайрон қоласан.

— Камол Ҳожиев ўз қилмиши билан Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголли ва тамаки маҳсулотлари сотишдан бюджетга келадиган тушумни кучайтириш тўғрисидаги 221- сонли қарори талабларини бузган,— дейди Сайхунобод туман прокурори Тоҳир Ражабов. — Яқинда бу қонунбузарлик Жиноий ишлар бўйича туман судида кўриб чиқилди ва айбдор тегишли жазосини олди.

Шу ўринда Камол Ҳожиевнинг бу «тадбиркорлиги»га фикримизни қаратсак. Яъни, у олиб келиб, сотишга уринган матоҳининг сифатига кафолат бера оладиган мард топилармиди? Агар унинг хатти-ҳаракатига чек қўйилмаганида, истеъмолга яроқсиз бу маҳсулоти билан кишилар саломатлигига катта путур етказарди-ку?

Хайриятки, фуқароларимиз техник спиртдан тайёрланган ароқ кишининг бевақт ўлимига ҳам сабаб бўлишини кейинги пайтда англаяпти. Арзон гўштнинг шўрваси татимас деганларидек, четдан турли ноқонуний йўллар билан келаётган маҳсулотларнинг нархи пастлигини ўйламай, аввало, унинг сифатини суриштириб, сўнгра қонун доирасида иш тутганга нима етсин?

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Академияда конференция

Кеча Банк-молия академиясида «Ўзбекистон банк-молия тизими ислоҳотларини чуқурлаштириш муаммолари ва уни иқтисодиётни ривожлантиришдаги таъсирини кучайтириш» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз банк тизимини янада эркинлаштириш, тижорат банкларининг кредит-инвестицион фаолиятини кучайтириш, уларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокини кенгайтириш, солиқ ва солиққа тортишни такомиллаштириш, молиявий муассасаларда корпоратив бошқарувни шакллантириш, янги ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан унумли фойдаланиш, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро андозалар даражасида ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Конференция ишида академия илмий жамоаси билан бирга республикамиздаги ўндан ортиқ банклар, олий ўқув юртлари, молия ва солиқ органлари, кўплаб халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Илмий анжуманда академия ректори, профессор Р.Қосимов, республика Марказий банки раисининг ўринбосари Ш.Тошмуродов, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари сўзга чиқдилар.

**Ҳ.КАРИМОВ.**

# Олий хўжалик судида

Жорий йилнинг 3 июнь куни Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ким Сонг Хван ҳамда Корея Кван-жу юқори суди раиси Ким Йонг Дам Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига ташриф буюрди.

Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломов меҳмонларга мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими, унда ўтказилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар ҳамда уларнинг моҳияти тўғрисида батафсил сўзлаб берди.

Ўз навбатида элчи жаноблари ва Кванг-жу юқори суди раиси бу борада тўхталишиб, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар, унинг натижасида эришилган ютуқлар Корея Республикаси ҳуқушуносларида ҳам катта қизиқиш уйғотаётганини таъкидладилар. Иккала давлат ўртасидаги бугунги кенг кўламдаги ҳамкорлик суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам яқиндан алоқалар ўрнатиш, тажриба алмашишни тақозо этаётганини айтдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

Танлов

# Сатрларда Ватан мадҳи

Яқинда республика таълим марказида Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорликда «Тарихни билмай, келажакни қуриб бўлмайди», «Ўзбекистон тарихи саҳифалари: истиқлол сари машаққатли йўл» мавзуларида ижодий иншолар танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Бундан асосий мақсад ўқувчилар ва талабаларнинг юртимиз мустақилликка эришгунга қадар босиб ўтган йўли ҳақида билимларини синаш эди. Бу синовнинг анча муваффақиятли чиққани—ёшларнинг дунёқараши кенг эканлигини кўрсатади. Уларнинг дилидан сатрларга кўчган қораламаларни ўқир экансиз, беихтиёр кечаги кун—мустамлака тузумнинг асоратлари кўз ўнгингизда гавдаланади. Бу тузумнинг ўтган асрда халқимиз бошига келтирган кулфатлари — оммавий қатағонлар, хусусан 80-йилларда авж олган «пахта иши», «ўзбеклар иши» тамғаси остида солган офатлари ҳали эсимиздан чиққани йўқ. Ўқувчилар ана шу қора кунларни таҳлил этиш билан бирга, мустақилликка эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, бу борада Президентимизнинг роли беқиёс эканлиги тўғрисида ҳам кенг тасаввурга эга эканликларини намойиш этдилар.

Иншоларни кузатиб мустақилликдан кейин юртимизнинг дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллагани, ўтган қисқа фурсат — 12 йил ичида мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатида улкан ўзгаришлар рўй берганлиги, юзлаб корхоналар бунёд этилиб, ишга туширилганлиги ва бошқа ютуқлари тасвирланганини билиб олиш мумкин. Бу иншолар шунчаки эмас, балки чин дилдан битилгани яққол сезилиб турибди. Қозонда бори чўмичга чиқади, деганларидек, бу сатрлар орқали ёшларнинг дилида Ватанга муҳаббат қай тариқа ин қурганини ҳам англаш мумкин. Буни иштирокчиларнинг қалб қўридан чиқиб келган мана бу сатрлардан ҳам билиб олса бўлади: «Мустабид совет тузумининг пахта яккаҳокимлиги давридаги фожиалари, жумладан, вилоят ва республикамизнинг донгдор механизатори саналган тумандошим Ҳаловат Пирова бошига тушган фожиа қалбимни ларзага солди. 18 яшар қиз кеча-кундуз дала бағрини макон тутиб, ҳатто самолёт кўкдан заҳар сочган пайтда ҳам ўзини ўйламай пахтазордан нари кетмас эди. Бу оғу пайти келиб ғўза барги билан бирга унинг келажагини, келажак авлоди пайини ҳам қуритишини меҳнаткаш қизга бирор бир совет амалдори тушунтирмас эди... Шундай экан, азиз тенгдошлар! Она-юртимизни, унинг ўтмиши ва бугунини келажак авлодга безавол қолдириш учун қўлимиздан келадиган барча имкониятни ишга солайлик. Юртимиз тарихини зарҳал ҳарфлар билан битиш бизнинг қўлимиздан келади. Ушбу имкониятни қўлдан бермайлик. Юртбошимизга қанот бўлайлик!» (Нигора Жумаева, Ромитан туманидаги 1-мактабнинг 10-синф ўқувчиси, 1-даражали диплом)

«Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда жуда оғир ижтимоий-сиёсий вазият вужудга келган эди. Чунки ўша пайтда ички ва ташқи ғанимлар зўр бериб, фитна ва найрангларини ишга солиб Ўзбекистонда барқарорликни йўқ қилишга, фуқаролар урушини келтириб чиқаришга уринаётган эди. Ана шу хавф -хатарли йилларни—тарих саҳифаларини хаёлан варақлар эканман, агар ўша таҳликали, мураккаб бир вазиятда Юртбошимиз бошқарув тизимини озгина бўшаштирганида, иккиланишга тушганида қўшни Афғонистон ва Тожикистондаги воқеалардан ҳам даҳшатлироқ фожиалар юз берган бўлар эди. Президентимиз собитлик, қатъият ва матонат билан оғир пайтларда Мустақиллик деган олий неъматни асраб қолди. Биз ёшлар ҳам Мустақил Ватанимизни ҳар қандай ёвдан асрай билишимиз керак. Унинг равнақи учун бор билимимиз, меҳр-муҳаббатимизни аямаслигимиз керак.» (Нафиса Муродова, Пайариқ туманидаги 20-мактабнинг 10-синф ўқувчиси, 2-даражали диплом).

Бу мисраларда ўқувчи ёшларнинг дарди, исёни бор. Озод юртга муносиб фарзанд бўлиш учун интилиш мавжуд. Самимийлик, соддалик, равонлик асосида битилган бу иншолар ўқувчи ва талаба ёшларимизнинг қалбида жўш урган туйғулардан илҳом олгани тайин.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, танловнинг биринчи йўналиши бўйича биринчи ўринларни Юлдуз Абдуллаева (Андижон вилояти, Асака туманидаги 27-мактабнинг 10-синф ўқувчиси), Ирода Абдуллаева (Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институти 2-курс талабаси), Зуҳро Оққулова (Жиззах вилояти, Зарбдор туманидаги иқтидорли болалар интернати 10-синф ўқувчиси) эгаллашди. Шу йўналиш бўйича кейинги поғонага Нафиса Муродова (Самарқанд вилояти), Елена Нам (Хоразм вилояти), Розия Охунова (Зарафшон академик лицейининг 1-курс талабаси) кўтарилишди.

«Ўзбекистон тарихи саҳифалари: Истиқлол сари машаққатли йўл» йўналиши бўйича юқори ўринга Дилбаройй Мамараҳмонова (Андижон вилояти), Лайло Матназарова (Урганч давлат университети қошидаги академик лицейнинг 1-гуруҳ талабаси), Нигора Жумаева (Бухоро вилояти)лар муносиб кўрилди.

Ғолиблар учун таниқли кишилар, олимлар билан ижодий учрашувлар, мусиқий дам олиш дастурлари ташкил этилди. Темурийлар, Ўзбекистон халқлари тарихи Давлат музейлари, Хотира майдони, Шаҳидлар хиёбони ҳамда Қатағон қурбонлари қадамжоларига саёҳатлар уюштирилди.

**М. ЖОНИХОНОВ.**

Тақдимот

# «Сино» жаҳонга чиқади

**1,5 миллион долларлик лойиҳа Самарқанддаги заводга озон қатлами учун безиён музлатгичлар ишлаб чиқариш имкониятини беради**



Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма Атроф-муҳит дастури ҳамда БМТнинг лойиҳаларга хизмат кўрсатиш офиси — ЮНОПС Самарқанддаги «Сино» маиший музлатгичлар корхонасида 1,5 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳани якунлади. Лойиҳанинг мақсади бу ерда ишлаб чиқарилаётган музлатгич деворлари ва эшиклари оралиғидаги бўшлиқни тўлдирувчи кўпиксимон модда сифатида фойдаланиб келинган ХФУлардан фойдаланишга барҳам бериб, озон қатлами учун безиён музлатгичлар ишлаб чиқаришга қаратилган.

Шу мақсадда куни кеча «Сино» маиший музлатгичлар заводида БМТ Тараққиёт дастурининг озон қатлами учун безиён музлатгичлар ишлаб чиқариш имконини берувчи янги линияларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

— Ўзбекистон Озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича Вена конвенцияси ва Озон қатламига зарар етказувчи моддалар бўйича Монреал протоколига 1993 йили аъзо бўлиб кирган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Халилулло Шоримбетов. — 2000 йили эса Озон қатламини емирувчи моддаларни тугатиш бўйича мамлакат дастури қабул қилинди. У мазкур моддалардан фойдаланишни босқичма-босқич тугатишни кўзда тутади. Мазкур линиянинг ишга туширилиши нафақат заводнинг тўла қувват билан ишлаши, балки «Сино» тамғаси билан жаҳон андозаларига мос бўлган совутгичлар ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Янги жиҳозлар халқаро тендерда ғолиб чиққан Италиянинг Галилео ва Каннон Афрос компаниялари томонидан ўрнатилган бўлса, лойиҳа глобал экологик жамғарма (ГЭЖ) томонидан маблағ билан таъминланди.

***Мавжуда ХОЛМАТОВА,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***

# Ноқулай одам

Вилоят марказида катта йиғилиш ўтказилиши айтилди. Кўпчилик бу анжуманнинг тараддудига сафарбар этилди. Кўриладиган масалалар бўйича маълумотлар умумлаштирилди, мавжуд аҳвол юзасидан анча-мунча аниқликлар киритилди. Ишқилиб, тинчгина ўтсин-да. Ҳа, сал бўлмаса, бир нарса хаёлдан чиқаёзибди. Оқолтин ижтимоий-иқтисод коллежи директори Явқочди Ҳайдаров ҳам шу йиғилишда қатнашади. Кўп мажлисларда камчиликлар ҳақида ҳеч кимнинг юз-кўзи демасдан гапирадиган одати бор. Лекин бу йиғилишда пойтахтдан ҳам раҳбарлар иштирок этишади. Агар Ҳайдаров одатини канда қилмай гапириб юборса, шармандa бўлишимиз ҳеч гап эмас. Нима қилиш керак?

Ниҳоят, йўли топилди. Куннинг иккинчи ярмида Ҳайдаровга телефон қилишди:

— Яқинда хориж сафарига боришингиз керак. Шунинг учун эртага Тошкентга, мутасадди идорага етиб боринг. Тушунарлими?

— Тушундим, албатта бораман, — деди директор бардам овозда. Лекин вилоят марказида бўлажак йиғилиш ҳақида ҳеч нарса дейишмади. Шундай қилиб, тайёргарликнинг битта банди адо этилди.

Бу воқеа 2002 йилнинг ноябрь ойида бўлганди. Кейинчалик юқоридаги гаплар кимларнингдир ўйини эканлиги Ҳайдаровга аён бўлди. Мийиғида секин кулиб «Ойни этак билан ёпиб бўларканми?» деб қўйди.

Хўш, коллеж директорининг баъзиларга ёқмайдиган одати нимадан иборат? Унинг тутган йўли шундай: ҳақиқатни шартта-шартта айтиб ташлайди. Бу одатидан ишида иллати борлар безиллаб қолган.

— Явқочди ака, фан докторисиз. Дунёдаги учта академияга аъзосиз. Нима, Карнегини ўқиганда ётиғи билан муомала қилишни ўрганмаганмисиз? — сўраймиз суҳбатдошимиздан.

— Ҳе, Карнегилар келиб биздан ўргансин. Қўл учида ишлаганларни кўрсам, ўзимни тутолмайман. Ахир шунча ҳаракат нима учун бўляпти? Баркамол авлод тайёрлаш учун. Лекин ҳал қилувчи бўғинларда ўтирган баъзи мутасаддилар кўпроқ ўз нафсини ўйласа, алдам-қалдам билан кун ўтказса, қандай чидайсиз? Ундайларга бардорли муомала эмас, ҳайқириқ керак!

Ноқулай одам. Орқаваротдан шундай таъриф беришади Явқочди Ҳайдаров ҳақида. Агар баъзиларга Оқолтиндаги коллежда бирор масалани ўрганиб келиш топшириғи берилса, бошқа биров бора қолсин, деб ўзларини четга олишади. Ҳайдаровга бас келишнинг ўзи бўладими, дейишади. Нима, у киши одамларни шунчалик безиллатиб қўйганми?

Гап шундаки, қаҳрамонимизнинг юзаки ишга тоби йўқ. Ҳамма нарса рисоладагидек бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Бу талабга эса барча бирдай жавоб беролмайди.

«Ахир бу ер чўл бўлса, шароит ҳам ўшанга ярашада, Нью-Йоркда эмассизку» деб муросага ундовчилар нақ балога қолади.

— Болаларимизнинг пешонасига нима ёзилган. Улар, қўйиб берсангиз, Нью-Йоркдаги ўқувчидан ҳам мураккаб масалаларни ҳал этишга қодир. Ҳар қадамда истисно қилаверсак, ўзимиз ҳам истисно бўлиб кетамиз-ку...

Замондошларимиз

Кўп йиллик хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган Я. Ҳайдаров ўз ҳаётини ёшлар тарбиясига бағишлаган инсонлардан.

Яқинда қурувчилар «Ҳайдаров ишлагани бермаяпти» деб вилоят ташкилотига шикоят қилишибди. Сабаб? Маълум бўлишича, ўрнатилаётган дастгоҳнинг ички қисмлари эскисига алмаштириб қўйилмадими, деб суриштирган экан.

«Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» — Юртбошимизнинг бу шиорини Я.Ҳайдаров ҳар қадамда такрорлайди. Аниқроғи, шу ғояни вужудига сингдириб ишлайди.

— Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ бинолар бизга керак эмас, — дейди у жонкуярлик билан. — Ҳозир коллежимизда 4 та ўрнига атиги битта компьютер синфи бор. 600 та болага у жудаям кам. Шу тўғрисида йиғинларда гапирсам, баъзиларга ёқмайман. Майли, ёқтиришмасин, лекин иш ривож топиши керак-ку?! Келажак авлод тарбиясига ҳеч ким юзаки қарашга ҳаққи йўқ.

— Москвадаги Халқаро педагогика ва ижтимоий-иқтисод академияларига, Санкт-Петербургдаги Акмология академиясига аъзо экансиз, буларга қандай улгурасиз?

— Илм-фан чегара билмайди, — дейди Я.Ҳайдаров. — Ўз иш натижаларимизни бошқа мамлакатлардаги кўрсаткичлар билан муқояса қиламиз. Ҳадисларда ҳам айтилган-ку, илм учун, керак бўлса, Чин мамлакатига ҳам бориш лозим, деб.

— Дарвоқе, хориж сафарига бордингизми?

— Ҳа, февраль ойининг охирида бир гуруҳ ҳамкасбларимиз билан Англиядаги ўқув муассасалари тажрибасини ўрганиб келдик.

— Ўзимизда татбиқ этадиган қайси жиҳатлари бор экан?

— Англиядаги ўрта махсус ўқув юртларида машғулотларнинг тўлиқ дастури компьютерларга ёзиб қўйилар экан. Яна учта хонани жиҳозлагач, биз ҳам шундай қилмоқчимиз. Тағин бир гап: Англияда ҳар бир талаба иш берувчининг буюртмасига биноан ўқийди. Таътилни ўша корхонада ўтказади. Стипендияни ҳам ҳомий тўлайди. Кўриб турибсизки, ўқишни битираётган йигит-қизнинг иш жойи тайин. Бизда эса...

Коллежда таълим сифатини юқори даражага кўтариш вазифаси қўйилган. Зеро, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи шуни тақозо этади. Ҳозир чўл бағрида жойлашган билим даргоҳида 3 нафар фан доктори, 2 нафар фан номзоди машғулотларда қатнашмоқда. Қолган ўқитувчилар ҳам малакаси замон талабларига жавоб бериши учун турли поғоналарда ўз маҳоратларини оширишаяпти.

— Бу даргоҳда ўқитиш сифати айрим жиҳатларга кўра, олий мактаблардагидан қолишмайди, — дейди Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ўқув-услубий ишлар кафедраси мудири Комилжон Мирсаидов. — Ҳайдаровнинг ўзи тез-тез келиб янги услублардан хабардор бўлади. Ўқитувчилардан ҳам изланиб ишлашни талаб қилади.

Наҳотки бу одам шунчалар оппоқ бўлса?! Камчиликлари йўқми? Жонли инсон сифатида ундаям нуқсонлар бор. Лекин кундалик фаолияти мобайнида ўзи йўл қўйган камчиликларни бартараф этиш чорасини кўради. Бир ишда адашса, аввало иқрор бўлиб, сўнг тузатиш пайида бўлади.

Шуларни назарда тутиб сўрадик:

— Ҳамма ишларим хатодан холи, деб ўйлайсизми?

— Йўқ, ҳеч ким ҳаёти давомида хатодан кафолатланмаган. Мен ҳам ўтган йили бир адашдим. Вилоят мукаммал қурилиш бўлими бошлиғи таъмирлашнинг иккинчи босқичига киришиш учун тезда камчиликлар қайдномасини тузиш керак, шунинг учун оқ қоғозга муҳр ва имзо чекиб беришимни сўради. Мутасадди раҳбар ҳам мен каби иш тезлашишини кўзлаяпти, деб ўйлаб рози бўлибман. Афсус, ўша қоғоз объектни топшириш ҳужжатига айланибди. Буни кейин пайқадим. Катта жанжал кўтардик. Таъмир сифатсизлигини суратлар ёрдамида исботладим. Матбуотга чиқиш қилинди. Айбдорлар жавобгарликка тортилди. Хато эса мен учун бир умрлик сабоқ бўлди.

Ноқулай одамнинг "жанжалкаш"лиги билан боғлиқ воқеаларни кўз олдимизга келтирсак, уларнинг ҳаммасида шахсий манфаат эмас, жамият талаблари устувор эканлиги аён бўлади. Аслида, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ҳаётимизни яхшилаш йўлидаги одимларимизни тезлатаётган фидойи шахслар Явқочди Ҳайдаров каби замондошларимиз эмасми?! Қани эди, сафимизда шундай жонкуяр, ноқулай одамлар кўпаяверса.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

# Малакали кадрлар зарур

Биз мамлакатимизда давлат, жамият ва иқтисодий муносабатлар тубдан янгиланаётган даврда яшаяпмиз. Бинобарин, ҳозирги таълим тизими олдига ҳам янги вазифалар қўйилмоқда. Кадрлар янги онг, янги билимсавия билан қуролланиши , бозор иқтисодиёти шароитида ўзига йўл оча оладиган, рақобатбардош мутахассислар бўлиб етишишлари керак.

Фарғона Давлат университети Ўзбекистоннинг етакчи олий ўқув юртларидан бири бўлиб, халқ хўжалиги ва маориф тизимига юқори малакали мутахассислар тайёрлаб бера бошлаганига 70 йилдан ошди. Айниқса, истиқлол йилларида ўқув юртимизнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, илмий-педагогик салоҳияти юқори даражага кўтарилди. Дастлаб ушбу билим масканида иккитагина бўлим мавжуд бўлиб, унда 120 нафар талаба таҳсил олган бўлса, ҳозирги кунда 10 факультетда 24 та йўналиш бўйича 6 мингдан ортиқ талаба ўқимоқда. Уларга 460 нафар малакали ўқитувчи, шу жумладан, 34 нафар фан доктори ва профессор, 200 га яқин фан номзоди ва доцент таълим бермоқда. Шунингдек, университет таркибида бизнес-мактаби, лицей-интернат, 4 та илмий ва тарғибот марказлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Университетнинг юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, шунингдек, узлуксиз таълим тизимини йўлга қўйиш борасидаги фаолияти янада самарали бўлиб, 10 йўналишда магистратура, 2 соҳада докторантура ва 14 мутахассислик бўйича аспирантура нафақат вилоят, балки республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун мутахассислар тайёрлаб бермоқда.

Миллий дастур талабларини бажариш мақсадида университетда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга катта эътибор берилмоқда. 2002 йилда қатор хориж олий ўқув юртлари, жумладан, Ҳиндистоннинг Осиёни ўрганиш илмий-тадқиқот институти, Жунубий Кореянинг Чин-ЖУ миллий университети ва Сингапурнинг Техника университети билан илмий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Шунингдек, халқаро алоқаларни кенгайтириш мақсадида турли жамғармалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда чуқур билимли, юрт учун ёниб яшайдиган фарзандларни тарбиялаш бош муддаомиздир. Иқтидорли талаба-ёшларнинг хориждаги етакчи олий ўқув юртларида таҳсил олишларига кенг имконият яратилмоқда. Бу борада «Умид», «Устоз», «Улуғбек» жамғармалари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Университетимизнинг 30 дан ортиқ талабаси хорижнинг етакчи ўқув муассасаларида таҳсил олди. 2001-2002 ўқув йилида талабамиз Н. Ўсарова Зулфия номидаги Давлат мукофотига, 2002 -2003 ўқув йилида магистрантимиз И. Зокиров Президент стипендиясига, 8 нафар талабамиз эса турли Давлат стипендияларига сазовор бўлди.

Таълим даргоҳларида

Президентимизнинг «Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида аҳоли соғлиғини, айниқса, ёшлар саломатлигини жисмоний тарбия ва спорт орқали кўтариш масаласи кўзда тутилган. Ушбу Фармон асосида вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Университетимиз соғлом ва баркамол талабаларни вояга етказишдан ташқари, жисмоний тарбия ўқитувчиларини ҳам етиштиради. Бу эса масъулиятни янада оширади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, университет ташаббуси билан умумтаълим, ўрта-махсус касб таълими ва спорт ўқув юртлари жисмоний тарбия ўқитувчилари, спорт мураббийларининг қисқа муддатда малакасини ошириш бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Ушбу дастурларга мувофиқ спортга алоқадор барча мутахассислар вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган махсус режа асосида касб малакаларини оширишмоқда.

Бундан ташқари, вилоят олий ўқув юртлари орасида Наврўз байрамига бағишлаб 12 спорт тури бўйича ўтказилган мусобақада университет жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Ҳозирда «Талаба» спорт клуби ташкил этилиб, унинг фаолияти учун етарли шарт-шароит яратилди, молиявий масалалар ҳам ҳал этилди. Шу билан бирга, профессионал-ўқитувчилар таркибидан университет ҳудудидаги маҳаллаларга спорт йўриқчилари бириктирилиб, фарзандларимиз учун турли спорт тўгараклари ташкил этилди. Университетдаги спорт жиҳозлари ва майдончалардан маҳалла болаларининг фойдаланишлари учун кенг йўл очиб берилди. Умуман, спорт йўналишидаги ишларимизда эътиборга лойиқ жиҳатлар мавжуд. Жумладан, 2002 йилда жисмоний тарбия факультети талабаларидан Антон Ряхов Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган XIV Осиё ўйинларида спортнинг «Байдарка» ва «Каноэда эшкак эшиш»да 200 метр бўйича 1-ўринни ва 500 метр бўйича 2-ўринни эгаллаб, олтин ва кумуш медалларни, 4-курс талабаси Дилшод Маҳмудов бокс мусобақаларида 1-ўринни, 2-курс талабаси Шерзод Ҳусанов ўз вазни тоифасида фахрли 3-ўринни эгаллаб олтин ва бронза медаллари билан тақдирланишди.

Жорий йилнинг мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан маҳалланинг ижтимоий ҳаётимизда тутган ўрни ва мавқеини эътиборга олиб, талаба-ёшлар орасида амалга ошириладиган ишларнинг кенгайтирилган дастури ишлаб чиқилди. Амалий ишлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида факультетлар ва маҳаллалар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Унда талаба ёшларнинг маҳаллалар ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирокини таъминлашга катта эътибор берилган.

Яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Гап ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг бош омили бўлган — инсон устида бормоқда. Кучли ижтимоий сиёсат, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қилиш, айниқса, ёш авлод таълим-тарбиясини янгича ташкил қилишга алоҳида эътибор берилаётганлиги кишиларни бунёдкорлик ва яратувчилик меҳнатига ундамоқда. Кейинги йилларда университетимизда профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимлар меҳнатини моддий рағбатлантириш масаласига катта эътибор берилаётир. Шу мақсадда ўқитувчи ва ходимлар фаолиятини рағбатлантириш бўйича Низом ишлаб чиқилиб, доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, 2000 йилдан эътиборан Илмий кенгаш қарорига мувофиқ профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг оиласига зарур ҳолатларда энг кам иш ҳақининг 6 баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилмоқда. 2001 йилда 183 та талабага 777,8 минг сўм, 236 профессор-ўқитувчига 1556,4 минг сўм, 388 ишчи-ходимга 2185,9 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 1274 талаба 3076,2 минг сўм, 1384 профессор-ўқитувчи 10602,3 минг сўм, 1792 ишчи-ходим 10316,1 минг сўм миқдорида рағбатлантирилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз тараққиёти, келажаги учун қилинаётган ишлардир. Юрт келажагини яратувчилар айнан ёшлардир. Демак, уларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорларини намойиш қилиш, ҳаёт синовларига бардошли мутахассислар бўлиб етишишлари учун етарли имконият, шарт-шароит яратиш давр тақозосидир.

Университетимиз жамоаси шу йўлда тинимсиз изланишлар билан яшаб, меҳнат қилмоқда.

**Аҳмаджон ЎРИНОВ,**
**Фарғона Давлат университети ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор.**

*Корхона ва ташкилотлар диққатига!*

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармаси**

# НАВОИЙ ВИЛОЯТИ МАРКАЗИ

*қуйидаги объектлар учун пудрат савдоси (тендер)ни эълон қилади:*

- ***Навоий вилояти, Хатирчи тумани, А.Ярлақабов номли ширкат хўжалигидаги касб-ҳунар коллежи учун ўқув хўжалигини қуриш.***

**Қурилиш муддати — 4 ой.**

- ***Навоий вилояти, Навоий тумани, «Нарпай» жамоа хўжалигида Ш-тип ҚВПни лойиҳалаштириш.***

**Лойиҳалаштириш муддати — 2 ой.**

***Буюртмачи:*** *Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уйда жойлашган Навоий вилояти ҳокимияти капитал қурилиш бошқармаси.*

Қурилиш ва лойиҳалаштириш ишлари давлат бюджети ҳисобидан олиб борилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техник малака, молиявий маблағ ва бошқа моддий имкониятларга, ўзаро ишончга, тажриба ва кўникмага, шунингдек, етарли ишчи кучи заҳираларига, шартнома (контракт) тузиш фуқаролик ҳуқуқларига ҳамда қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —

***Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган капитал қурилишда пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг Навоий вилояти марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 225-53-85.***

*Бир тўплам (комплект) тендер ҳужжатларининг нархи қурилиш учун — 50 минг сўм, лойиҳалаштириш учун — 25 минг сўм.*

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уй, соат 15.00да Навоий вилояти ҳокимияти капитал қурилиш бошқармаси биносида ўтказилади.**

**ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси**

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**қуйидаги иншоотга танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади:**

**«Самарқанд» халқаро аэропорти кузатув назорат пункти эски биносини мукаммал таъмирлаш.**




Буюртмачи — **«Самарқанд» халқаро аэропорти.**
Манзили: **Самарқанд шаҳри, акад.Абдуллаев кўчаси, 1-уй.**
Телефонлар: **32-09-94, 32-04-82.**

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг Самарқанд вилояти филиалига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус 2-«Г», 208-хона. Телефон: 31-13-51.**

***Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 32000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан кейин вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

7450R/1247

# «АВТОАЛОҚА» ОАЖ

**акционерларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси 2003 йил 3 июль куни соат 9.00да ўтказилади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. *«Автоалоқа» ОАЖ тафтиш комиссиясини қайта сайлаш.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, Марказ-27 мавзеси, 42-АТС биноси.**

**Телефонлар: 144-25-67, 42-89-27.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ**

# ОЛИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИ

**профессор-ўқитувчилар таркибига танлов эълон қилади.**

*Танловда илмий-педагогик иш стажига, илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, хорижий тиллар, информацион технологиялар бўйича юқори малакали мутахассис бўлган, ҳарбий ўқув юртида ишлай олиш салоҳияти ва истаги бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қатнашишлари мумкин.*

*Барча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:*

**Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, Давлат божхона қўмитаси, кадрлар бошқармаси.**

**Телефонлар: 120-76-31, 144-34-74.**

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!**

BANK

# ДИҚҚАТ АУКЦИОН!

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!*

## «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

**2003 йил 30 майдан 29 августгача ҳафтанинг ҳар жума кунлари соат 11.00да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида ким ошди савдоларини ўтказади. Ким ошди савдоларида хўжалик суди буйруқларига асосан «банкрот» деб, эълон қилинган корхоналарнинг мол-мулклари ва ер майдонига ижара ҳуқуқи ҳамда қуйидаги автотранспорт воситалари сотилади.**

### I. Ер майдони, бино, иншоот ва асбоб-ускуналар

| № | Объект номи | Манзили | Объект бўйича маълумот | Бошланғич нархи (сўм) | Аукцион ўтказиладиган кун |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «ТошДСК-1» ОТАЖнинг маъмурий биноси | Чилонзор тумани, 10-даҳа, 32-уй | 3 қаватли бинонинг 2, 3-қаватлари, майдони 510 кв.м. | 45 752 272 | 30 майдан 29 августгача |
| 2. | «ТошДСК-1» ОТАЖнинг «УОР-3» базаси | Миробод тумани, Эски отчопар кўчаси, 3-уй | майдони 9329 кв.м. | 56 652 500 | 30 майдан 29 августгача |
| 3. | «GIGANT LIMITED» ҚКнинг шампан виносини қуйиш қурилмаси | С.Раҳимов тумани, Байроқтол кўчаси, 15-уй | 1998 йил декабрь ойида ишга туширилган | 8 918 604 | 30 майдан 29 августгача |
| 4. | Автомобилларга ёнилғи қуйиш мажмуаларини (АЁҚШ, автомойка ва бошқалар) қуришга мўлжалланган ер майдонига узоқ муддатли ижара ҳуқуқи | Чилонзор тумани, Байналминал кўчаси | майдони 0,3га | 120 000 000 | 30 майдан 29 августгача |
| 5. | «ҚУНДУЗ» ОАЖнинг бино, асбоб-ускуна ва бошқа мол-мулклари | Шайхонтоҳур тумани, Шомаҳмудов кўчаси, 128-уй | чорва моллар терисини қайта ишлашга мўлжалланган | 424 517 300 | 13 июндан 29 августгача |
| 6. | «Ал-Камрон» ОАЖнинг бино, асбоб-ускуна, Тошкент денгизидаги моторли қайиқлар станцияси, ижтимоий инфроструктура объектлари ва бошқа мол-мулклар | А.Икромов тумани, Октябрь мавзеси, Саноат ҳудуди | автомобилларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган | 188 176 100 | 7 июлдан 29 августгача |

### II. Автотранспорт воситалари рўйхати

| Т/р | Автотранспорт воситаси русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Бошланғич нархи (сўм) | Аукцион ўтказиладиган кун | Т/р | Автотранспорт воситаси русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Бошланғич нархи (сўм) | Аукцион ўтказиладиган кун |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | ГАЗ-24 | 1984 йил | 343 843 | 30 майдан 29 августгача | 18. | ГАЗ-3102 | 1987 йил | 480 000 | 13 июндан 29 августгача |
| 2. | ГАЗ САЗ-3507 | 1988 йил | 85 500 | 6 июндан 29 августгача | 19. | ГАЗ-5312 | 1988 йил | 640 000 | 13 июндан 29 августгача |
| 3. | ГАЗ-5204 | 1989 йил | 97 500 | 6 июндан 29 августгача | 20. | ВАЗ-21053 | 1992 йил | 600 000 | 20 июндан 29 августгача |
| 4. | ИЖ 2715-01 | 1991 йил | 45 000 | 6 июндан 29 августгача | 21. | ГАЗ-31029 | 1996 йил | 700 000 | 20 июндан 29 августгача |
| 5. | ДЭУ НЕКСИЯ | 1999 йил | 535 000 | 6 июндан 29 августгача | 22. | НЕКСИЯ GL | 1997 йил | 2 850 000 | 20 июндан 29 августгача |
| 6. | ГАЗ-5312 | 1991 йил | 140 000 | 6 июндан 29 августгача | 23. | ВАЗ-2106 | 1991 йил | 700 000 | 7 июлдан 29 августгача |
| 7. | ГАЗ 25-05 | 1988 йил | 120 000 | 6 июндан 29 августгача | 24. | ГАЗ-31029 | 1993 йил | 800 000 | 7 июлдан 29 августгача |
| 8. | ГАЗ САЗ 3507 | 1987 йил | 110 000 | 6 июндан 29 августгача | 25. | АУДИ-200 | 1986 йил | 1 380 000 | 7 июлдан 29 августгача |
| 9. | ГАЗ 52-04 | 1984 йил | 97 500 | 6 июндан 29 августгача | 26. | ГАЗ-31029 | 1993 йил | 750 000 | 7 июлдан 29 августгача |
| 10. | ГАЗ САЗ 3507 | 1988 йил | 110 000 | 6 июндан 29 августгача | 27. | УАЗ-3303 (бортовой) | 1991 йил | 600 000 | 7 июлдан 29 августгача |
| 11. | ЗИЛ ММЗ-4502 | 1991 йил | 112 500 | 6 июндан 29 августгача | 28. | ДАМАС | 1996 йил | 2 000 000 | 7 июлдан 29 августгача |
| 12. | ЗИЛ-133 | 1987 йил | 120 000 | 6 июндан 29 августгача | 29. | НИССАН-САННИ | 1990 йил | 2 500 000 | 7 июлдан 29 августгача |
| 13. | ТИКО | 1997 йил | 1 900 000 | 6 июндан 29 августгача | 30. | МЕРСЕДЕС БЕНЦ Е-280 | 1990 йил | 6 000 000 | 7 июлдан 29 августгача |
| 14. | ГАЗ-31029 | 1995 йил | 900 000 | 6 июндан 29 августгача | 31. | МАЗ-5429 | 1984 йил | 1 600 000 | 7 июлдан 29 августгача |
| 15. | ИЖ-2715 | 1988 йил | 56 000 | 13 июндан 29 августгача | 32. | МАЗ-500 | 1975 йил | 800 000 | 7 июлдан 29 августгача |
| 16. | ГАЗ-5201 | 1989 йил | 320 000 | 13 июндан 29 августгача | 33. | ДАМАС | 2000 йил | 3 500 000 | 7 июлдан 29 августгача |
| 17. | ГАЗ-31029 | 1993 йил | 480 000 | 13 июндан 29 августгача | | | | | |

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уй, 201-хона.**

**Телефонлар: 133-23-40, 133-22-98.**




TS TECHNOLOGY

**KOMPYUTERLARI KUCHLI MOLIYAVIY VOSITADIR**

O'zbekiston, Toshketn sh., H. Olimjon m., Poytaxt biznes markazi, G'arbiy tomon, 29, 30 ofis. Tel.: 137-72-91/92. Fax.: 137-72-98.

Ислоҳот мевалари



*Мамлакатимиздаги йирик молиявий муассасалардан бири — "Ғаллабанк"нинг республикамиз иқтисодиётида алоҳида ўрни бор. Ташкил этилганига кўп вақт ўтган бўлмаса-да, у қисқа муддатда ўз нуфузи, кўп минг сонли мижозларига эга бўлди. Банк жамоаси айни кунларда давлатимиз ғалла мустақиллигига эришишига муносиб улуш қўшиш билан бирга, халқ хўжалигининг барча тармоқлари, хусусан, кичик ва ўрта бизнес соҳасига ҳам намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Муҳими, у ўз фаолияти ва хизмат турларини кенгайтириши натижасида универсал банк мақомига эга бўлди.*

# «ҒАЛЛАБАНК» — халқаро танлов ғолиби

Ўтган йиллар банк учун иқтисодий жиҳатдан ўсиш даври бўлди. Мисол учун, 2002 йилни олиб кўрайлик. Банк капитали 10,3 миллиард сўм, Низом жамғармаси эса 3,5 миллиард сўмни ташкил қилди. Барча вилоятлар марказлари, кўпгина шаҳарлардаги филиал ва шохобчалари 40 мингдан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги мижозларга сифатли хизмат кўрсатмоқда. Хизмат кўрсатиш даражаси муттасил ўсиб, жаҳон андозалари талабларига жавоб бераётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мижозларга янада қулайликлар яратиш мақсадида жойларда бир неча замонавий банк биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, мини банклар ҳам кўпайиб бормоқда. Айни пайтда бундай мўжаз молия муассасалар сони 36 тага етди. Ҳозир улар томонидан икки мингдан ортиқ мижозга, хусусан, биринчи навбатда фермер ва қишлоқ тадбиркорларига хизмат кўрсатилмоқда.

Берилаётган кредит маблағларидан самарали фойдаланилаётганлиги натижасида дон маҳсулотлари корхоналаридаги ускуна ва жиҳозлар босқичма-босқич янгиланиб, замонавийсига алмаштирилаяпти. Натижада тайёрланаётган нон ва нон маҳсулотларининг сифати ҳам ошиб бормоқда. Шу билан бирга, кредитлар иқтисодиётнинг устувор йўналишлари, жумладан, саноат корхоналари, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорларга маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босадиган, экспорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ажратилаётганлиги ҳам ижобий самара беряпти. Масалан, ўтган йили Самарқанд вилоятида чинни ва консерва, Сирдарё вилоятида сут, Бухоро вилоятида макарон маҳсулотлари, Андижон вилоятида полипропилен қоплар ишлаб чиқариш учун маблағлар ажратилди. Шунингдек, «Намангандонмаҳсулотлари» уюшмасининг бош корхонаси тубдан катта таъмирланди.

Банкнинг аграр тармоққа кўрсатаётган хизмати алоҳида эътиборга моликдир. Масалан, ўтган йили юртимиз ғаллакорлари 5,4 миллион тонна дон етиштириб, мамлакатимиз тарихида рекорд кўрсаткичга эришдилар. Табиийки, бунда молиявий муассасанинг ҳам алоҳида улуши бор. Шу билан бирга, бултур фермерлар ва қишлоқ тадбиркорларига уч миллиард, жорий йилнинг ўтган даврида эса 700 миллион сўмга яқин кредит маблағлари ажратилди.

Банк жамоасининг қишлоқ хўжалиги соҳасига кўрсатаётган хизмати халқаро миқёсда юқори баҳоланди. Молиявий муассаса Маркетинг Тадқиқотлари бўйича Европа Маркази (EMRC) томонидан ўтказилган "Агробизнес-2003" танловида ғолиб, деб топилди. Жорий йилнинг 27-29 апрель кунлари Бельгиянинг Брюссель шаҳрида бўлиб ўтган халқаро форумда банкка ғолиблик тўғрисидаги диплом ва махсус совға топширилди.

Ишончимиз комилки, банк бундан кейин ҳам мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш билан бирга, халқаро молиявий муассасалар ўртасида ҳам нуфузли ўринга эга бўлади.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


NBU

## АВТОМОБИЛЬ — КРЕДИТГА!

«ЎЗДЭУАВТО» АЖ АВТОМОБИЛЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШДА МИЛЛИЙ БАНК ТАКЛИФ ЭТАДИ!

I. Нақд пул маблағларини «Ният» депозитига қўйиш шарти билан кредит автомобиль қийматининг 100% миқдорида берилади.

- *Кредит бўйича фоиз ставкаси — йилига 13%.*
- *Депозит бўйича даромад — йилига 5% (капиталлаштирилади).*
- *Биринчи бадал — автомобиль қийматининг 50%.*
- *Кредит муддати — 3 йил.*

II. Кредит харид қилинаётган автомобиль қийматининг 50% миқдорида берилади.

- *Кредит бўйича фоиз ставкаси — йилига 28%.*
- *Биринчи бадал (нақд пул шаклида) — автомобиль қийматининг 50%.*
- *Кредит муддати — 3 йил.*

III. Банкнинг йирик корпоратив мижозлари ходимларига кредит корхонанинг кафолатномаси остида автомобиль қийматининг 100% миқдорида берилади.

- *«Ният» депозитига сиз қўядиган нақд пул маблағлари автомобиль қийматининг 25 фоизидан ошмаслиги мумкин.*



СИЗ АВТОМОБИЛЬ ХАРИД ҚИЛАСИЗ, БАНКДАГИ ҲИСОБВАРАҒИНГИЗДАГИ ПУЛЛАР ЭСА СИЗНИНГ ФОЙДАНГИЗГА ИШЛАЙДИ!

КРЕДИТЛАШНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ СХЕМАЛАРИ.

МАҚБУЛ ФОИЗ СТАВКАЛАРИ.

АРИЗАЛАРНИ ТЕЗКОРЛИК БИЛАН КЎРИБ ЧИҚИШ.

БУЮРТМАЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ БАРЧА БЎЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Батафсилроқ маълумотни сиз 34-11-17, 137-62-83, 137-62-76 рақамли телефонлар орқали ёки бизнинг www.nbu.com интернет-сайтимиздан олишингиз мумкин.



D-AMPS GSM UZDUNROBITA first cellular

## 1 июндан ХАЛҚАРО ҚЎНҒИРОҚЛАР ҚИЙМАТИ



## 29 % ГАЧА КАМАЙТИРИЛАДИ!

"UZDUNROBITA" компанияси D-AMPS ва GSM стандартларининг "ПРЕСТИЖ" режаларидан фойдаланувчи муштарийлар учун

| ЙЎНАЛИШ | ЭДИ | ЭНДИ |
|---|---|---|
| МАРКАЗИЙ ОСИЁ (ҚОЗОҒИСТОН, ТОЖИКИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН, ТУРКМАНИСТОН) | ~~$ 0.71~~ | $ 0.56 |
| БОШҚА МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ | ~~$ 1.40~~ | $ 0.80 |
| ЕВРОПА | ~~$ 2.03~~ | $ 1.64 |
| АМЕРИКА, АФРИКА | ~~$ 2.66~~ | $ 1.88 |
| ОСИЁ | ~~$ 2.82~~ | $ 2.48 |
| АВСТРАЛИЯ | ~~$ 3.31~~ | $ 2.72 |

Нархлар АҚШ $ кўрсатилган ва барча солиқлар киритилган. Тўлов сўмларда ЎзР МБнинг курси бўйича тўлов кунида амалга оширилади.

NEW!

Кечаю-кундуз маълумотлар хизмати: 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09 "uzdunrobita" КК телефонларидан - 611

Халқаро SMS МТС МегаФон тармоқлари муштарийлари билан

Тошкентдаги сервис маркази манзили: Юсуф Юсупов кўчаси, 16 - уй ["Лабзак"].

www.uzdunrobita.uz

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН

*«...Болаларга ватанпарварлик, халқпарварлик ҳақида узундан-узоқ маъруза ўқигандан кўра, бу юксак туйғуларни жисмоний тарбия ва спорт орқали уларнинг қалбига сингдириш кўпроқ наф келтиради»*

**Ислом КАРИМОВ**



# Биз орзиқиб кутган кунлар

## *Эртага Андижонда мамлакат ёшларининг катта байрами — “Баркамол авлод—2003” спорт ўйинларига старт берилади*

Бағрида турфа гуллар ял-ял товланган Андижон яна байрам оғушида. Бу байрамнинг бошқа байрамлардан фарқи бор, ўзгача тароватi, бетакрорлиги бор. Бу мамлакат ёшлари ўртасида спортнинг қай даражада оммавийлик касб этгани намойиши байрами. Бу гўзаллик, нафосат, шижоат уфуриб турган муросасиз курашлар, баҳслар тантанаси. Бу Ватанимиз обрўсини оширадиган, халқимиз қалбида ифтихор туйғусини шакллантирадиган, жаҳоннинг етук спортчилари билан беллаша оладиган спортчиларини етиштириб чиқарадиган баркамол авлод байрами.

Мусобақаларнинг жаҳон андозалари даражасида ўтишига хизмат қилувчи кўркам ва мафтункор ўйингоҳлар, маданият ва истироҳат боғлари, сўлим ва ҳузурбахш гўшалар бир ҳафта мобайнида навқирон авлод вакиллари билан гавжум бўлади. Бунда дўстлик ва биродарлик риштлари янада мустаҳкамланади.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ақлан етук, жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт мусобақаларидан иборат уч босқичли узлуксиз тизим яратилди. Айни дамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Буларнинг барчаси миллат келажаги, мамлакат эртаси йўлида қилинаётган кенг кўламли ва қамровли ҳаракатлардир.

Катта умидлар, эзгу мақсадлар йўлида ташланган қадамлар мана, ҳозирданоқ кўнгилларга ёруғлик солаётир. Ёшларда жисмоний тарбияга ҳавас, иштиёқ кучайди. Улар спортнинг сеҳрли, жозибадор оламига дадиллик билан кириб келмоқдалар. Жойларда спорт маданиятини ривожлантириш, мураббий ва мутахассисларнинг билимли ва профессионал савиясини ошириш, коллеж ва лицейлардаги, олийгоҳлардаги спорт заллари, ўйингоҳлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, оилавий спорт мусобақаларини ташкил этишга эътибор қаратилаётгани қувонарли ҳолдир.

“Ҳозир спортнинг халқаро миқёсда тан олинган 97 тури бўлса, Ўзбекистон шароитида уларнинг қайсиларига алоҳида эътибор бериш ва ривожлантириш яхши самара беришига ойдинлик киритиб олиш керак”, деган эди Юртбошимиз Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши мажлисида. Бугун йигит-қизлар, ўсмирлар спортнинг қайси турига қизиқмоқда?

Бу саволга “Баркамол авлод” мусобақалари дастурига киритилган спорт турларидан жавоб топамиз. Кейинги пайтда қўл тўпи, енгил атлетика, баскетбол, волейбол беллашувлари ўсмирларни оҳанрабодек ўзига тортаётгани диққатга сазовордир.

Андижон Али полвон, Ўсар полвон сингари елкаси ер ўпмаган, енгилмас курашчилари билан машҳур. Бугун юзлаб ёшлар оталари, боболарининг асрий удумларини давом эттиришмоқда. Қорасувлик республика чемпиони Рустамжон Тўрахоновнинг мағлубият нималигини билмайдиган Фарҳод Нурбоев, Зоҳид Жумабоев, Искандар Мақсудов, Акром Носиров сингари шогирдлари миллат шаъни, шавкатини улуғлашга интилмоқда. Кураш бўйича беллашувлар ана шу йигитлар униб-ўсган Хонобод шаҳрида бўлиб ўтади.

Марҳамат тумани марказидаги қурилиш ва коммунал хизмат касб-ҳунар коллежи спорт залида ўсмирлар волейбол бўйича беллашадилар. Қизлар эса тумандаги яна бир ўқув даргоҳи — қишлоқ ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежида чемпионлик учун кураш олиб боради.

Бугун биз юртимиз довруғини оламга ёйишда жонбозлик кўрсатаётган боксчиларимиз билан ҳар қанча фахр этсак арзийди. Муҳаммадқодир Абдуллаев, Артур Григорян, Руслан Чагаев, Ўткирбек Ҳайдаров ва бошқа ўнлаб ўғлонлар номини эшитганда кўксимиз ғурурга тўлади. Андижон бокс мактабининг навқирон авлоди бўй кўрсатаётгани ундан-да қувончли. Халқаро тоифадаги рефери Марс Қўчқоровнинг айтишича, “Баркамол авлод” умидли ёшлар учун ўзига хос синов вазифасини ўтайди. Айтиш мумкинки, чарм қўлқоп усталари бу беллашувларга ҳар қачонгидан ҳам жиддий ҳозирлик кўрди. Вилоят босқичи мусобақаларида 92 боксчи рингга кўтарилди. Уларнинг йигирма нафари спорт усталигига номзод, қолганлари биринчи даражали спотчилар эди. Муросасиз жанглар республика босқичида иштирок этадиган энг кучли боксчиларни аниқлаб берди. Андижондаги катта тенннис корти бир неча кун мобайнида бокс ихлосмандлари билан гавжум бўлиши тайин. Жангларда 140 нафар ўсмирнинг иштирок этиши кутилмоқда.

Андижон шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежи Истиқлолимизнинг ўн иккинчи йилида қуриб битказилган, лойиҳаси ва меъморий ечимига кўра Марказий Осиё минтақасидаги бетакрор иншоотдир. У жуда қисқа вақт ичида тикланди. 910 ўқувчини ўз бағрига оладиган бу даргоҳ қишки ва ёзги сузиш ҳавзалари, атлетика манежи, умуман, олимпиада ўйинлари таркибига кирган барча спорт турлари бўйича машғулот майдонларига эга. Мажмуанинг замонавий жиҳозланган спорт зали беш минг квадрат метр майдонни эгаллаган бўлиб, бу ерда 25 турдаги спорт мусобақаларини ўтказиш мумкин. Иншоот хорижнинг энг илғор иситиш ва совутиш жиҳозлари билан таъминланди.

Мамлакатимиз раҳбари ўзининг водийга қилган сафарида ана шу иншоотни ва унга ёндош барпо этилган 20 минг томошабинга мўлжалланган стадионни бориб кўрди. Қурувчилар, мутахассислар меҳнатига юксак баҳо берди. Бу каби иншоотларни юртимизнинг бошқа жойларида ҳам тиклаш зарурлигини уқтирди. Айни пайтда спорт мусобақаларини миллий қадриятларимизга мос ва хос равишда ўтиши кераклигини тушунтирди.

16,5 гектарни ишғол этган бу масканнинг бугунги чиройи, латофати ҳақида ҳар қанча гапирсак-да озлик қилади. Бири-бирига ўхшамайдиган фавворалар, тунлари камалак рангида порлагувчи рангин ёритгичлар, мажмуа атрофида қад ростлаган янги бинолар шаҳарча кўркига кўрк қўшмоқда.

Сузиш, енгил атлетика, бадиий гимнастика, қизлар ўртасидаги қўл тўпи мусобақалари ҳам айнан мана шу масканда бўлиб ўтади. Миллионлар ўйини саналган футбол Шаҳрихон ва Олтинкўлдаги майдонларда бўлиб ўтади. Финал босқичи эса Андижон шаҳридаги “Халқлар дўстлиги” стадионида ўтказилиши кутилмоқда.

Андижон гўзаллик, нафосат, ёшлик, жўшқинлик байрами руҳи билан нафас олаётир. Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлар бу кунларда санъат усталари, ёш ижрочилар, водийнинг машҳур кишилари, адиблар билан учрашадилар. Маданият ва истироҳат боғларида ҳордиқ оладилар. Демак, айтиш керакки, спортчиларга шундай шароит яратилган экан, “Баркамол авлод”нинг бу галги мусобақалари юқори савияда ўтишига шубҳа йўқ. Бу кунлар ҳаммамизнинг хотирамизда муҳрланиб қолиши, тайин.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**



*Муҳтарам газетхон! Ўқувчилар ва талабаларнинг анъанавий ёзги таътил ойлари бошланмоқда. Хўш, болаларимиз бу ойларни қандай ўтказишлари керак? Уларни оромгоҳларга жўнатишни ўйлаяпсизми? Болаларимиз дунёни, Ватанни яхшироқ танисин, деб саёҳатларга йўллаш режаси ниятингизда бордир? Ёхуд ёзги бу ойлар елга совурилиб, беҳуда ўтмаслиги учун фарзандлар билан бирга бошқа фойдали машғулот, касб-корга йўлловчи маслаҳатни қилаётгандирсиз?*

*Бизнинг бу саволларимиз бугун кўпчиликнинг хаёлида бор гаплар эканлигига ишонамиз. Чунки болалар тарбияси, уларнинг келгуси тақдири — ҳеч бир кишини, айниқса, ота-оналарни бефарқ қолдирмайди. Фарзанди бор инсон унинг истиқболини албатта, ўйлайди. Жумладан, газетамизда чоп этилаётган қуйидаги мақола ҳам — болалар ва уларнинг тақдири тўғрисида. Шу боисдан, ундаги безовта ўйлар кенг жамоатчиликни қизиқтириши, табиий. Бу мақолани шу кунларда чоп этаётганимизнинг яна бир боиси — айрим ота-оналар ёзги таътил ойларида, топгани рўзғорга мадор бўлади, деб, болаларини бозорга йўллашни ҳам хаёл қилаётгандир. «Бозор болалари» муаллифининг ўй-фикрлари шу режа билан юрган ота-оналарнинг онг-идрокига айрим ойдинликларни киритса, ажаб эмас.*

Мулоҳаза

# Бозор болалари

«Бозор» сўзини эшитишингиз билан кўз ўнгизда турли-туман буюмлар, тарозилар, газмол ўлчагичлар ва улардан ҳам олдин пул намоён бўлади. Бу саналганларни аниқ тасаввур қиламиз. Аммо тижоратчилару харидорлар умумий бир ҳолатда тасаввуримизда гавдаланади. Ва аниқ тасаввуримизга суяниб, кўпчилигимиз бозорни фақат иқтисод доирасидаги макон, деб ўйлаймиз.

Бу — янглиш тасаввур. Аслида, бозорда ҳам бирламчи омил — одамлар. Унинг кийинишидан тортиб, кўз қарашлари, ҳатто овозларида бутун бошли жамият руҳи акс этади. Айнан шунинг учун бозор ҳар бир мамлакатнинг фақат иқтисодий эмас, маънавий-маданий даражасини ўлчайдиган мезонлардан бири ҳисобланади.

... Бозор айланамиз. Катталар қаторида савдо қилаётган болаларни кузатамиз. Кўпи 11-14 ёш оралиғидаги ўсмирлар. Қизлар ҳам бор. Бир қаторда 7 нафар бола санаймиз. Озиқ-овқат расталарида, айниқса, гўшт билан савдо қилинаётган жойда ўсмирлар кийим-кечак расталаридагидан ҳам кўпроқ.

Агар ҳар растада ўртача 7 нафар ўсмир савдо қилаётган бўлса, 50 қаторда 350 бола. Ҳолбуки, 50 қатор атрофи бу фақат кийим-кечаклар билан савдо қилади. Айрим қишлоқ жойларида бир мактабда 350-400 боланинг таълим-тарбия олишини назарда тутсак, бир мактаб болалари бозорда. Аммо бу битта бозор. Биргина Тошкентимизда қанча бозорлар бор, вилоятларимизда, туманларимизда...

Савдо қилаётган болаларнинг оёқ-қўллари чаққон, муомаласи — ёқимли.

— Айнан сизники экан. Бундан зўрини тополмайсиз. Каттароқми, ҳозир бир минут кутиб туринг, кичикроғини олиб келаман.

Улар тепага илинган кийимларни эпчиллик билан оладилар, яна жойига илададилар. Турли-туман халтадаги кийимларни чапдастлик билан очиб кўрсатадилар, эътироз билдирсангиз, яна аввалгидай қилиб боплаб ўз жойига жойлашади.

Бу хатти-ҳаракатларга қараб бозор болаларни ширин муомала, эпчиллик, чапдастликка ўргатяпти экан, яхши эмасми, нимага ташвишланасиз, деган эътироз бўлиши мумкин. Аммо улар билан савол-жавобга ўтилганда бошқача бир ҳолат намоён бўлади.

— Нечанчи синфда ўқийсиз?

— Нимага мактабга бормадингиз?

— Сизни ким бозорга олиб чиқди? Ўз хоҳишингиз билан чиқдингизми ё каттолардан кимдир илтимос қилдими?

Бозордаги болалар деярли барча саволлардан ўзларини олиб қочишди. Биз имкон қадар самимий бўлишга ҳаракат қилсак-да, бу савол-жавоблардан уларга бирор зарар йўқлигини уқтиришга интилсак-да, улар бесаранжом бўлишди. Панароққа ўтишга уринишди. Баъзилари ошкор қочиб кетишди. Аммо ҳеч қайсиси, «Сизнинг нима ишингиз бор», ё «Тошингизни теринг» деб силтаб ташламади. Бундан кўриниб турибдики, улар ўз хатти-ҳаракатларини жуда ҳам тўғри, деб ҳисоблашмайди. Бўлмаса, ўзларини ҳақ билишса ботирроқ муносабат қилишган бўларди. Айнан феъл-атвори шаклланаётган болалардаги бундай кайфият уларнинг келажагига руҳий жиҳатдан салбий таъсир қилмасмикин?

Ахир, ўзи у қадар тўғри, деб билмаган ҳаётда яшаш болани серҳадик, кўрқоқроқ қилиб қўймайдими?

Бизнинг биринчи хавотиримиз асоси шу бўлди. Фикрларимизни шифокорларга айтдик.

— 10-14 ёшлар орасида қизлар ҳам, ўғил болалар ҳам алоҳида бир ўзгариш палласига киради. Шунинг учун уларнинг дарс режимлари тузилганда ана шу ўзгаришлар ҳисобга олинади.

Кун бўйи шовқин-сурон шароитида савдо қилиш, неча хил одамлар билан муносабатда бўлиш уларнинг жисмига оғирлик қилади. Бундан ташқари, бозорга ҳар хил одам келади. Ҳар бири болалар руҳиятида из қолдиради. Уззу кун тик оёқда туриш, яхши-ёмон гапларга дуч келиш, иссиқ-совуқ шароитда овқатланиш — хуллас, бу ҳолатларнинг ҳеч бирини ўсаётган ўсмир учун фойдали, деб ўйламаймиз. Оғир юк кўтариш, у ёқдан бу ёққа чопиш — буларнинг бирортаси спорт эмас. Бу пайтда нотўғри муносабат туфайли ўсмир аъзолари нотўғри шаклланиши, ўз вақтидан эрта қарий бошлаши мумкин. Жиззаки, қўрс, қизлар шаллақи, вайсақи бўлиш хатари ҳам йўқ эмас. Муаллимлар эса бошқа бир хавотирларини айтишди.

— Бозорга чиқаётган болаларнинг кўпи ўқишга қизиқмайди. Баъзилари ҳатто синфда ҳам савдо-сотиқни давом эттиради. Ўқишга қизиқмагани устига жамият ҳаётига ҳам бефарқ қарайди. Наврўз келяпти, десангиз ўқувчи байрам ва ўзига боғлиқ тадбирларини ўйласа, бозорчи бола: «Одам кўп бўлади, яхши савдо бўлади», дебгина фикр қилади. Мамлакатимизда қандай спорт мусобақалари бўляпти, ким чемпион ва ҳоказо масалалар билан мутлақо иши йўқ. Аслида, худди шу ёшда болаларда ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғулари уйғонишга мойиллик бўлади. Агар унинг юрагида энди ниш ура бошлаган бу гўзал туйғуларга бозорни, пул орзу-ҳаваси, бойликка иштиёқ ҳиссиётини рўпара қилсак, шундай ажойиб ҳиссиётларни увол қилган бўлмаймизми?

Муаллимнинг куюнишида жон бор. Ахир, жамиятнинг сиёсий ҳаёти ҳаммани бирдай қизиқтириб, бу ҳаётга ҳамма фаол муносабат билдириб, фаол аралашгандагина адолатли жамият бўлади.

Бозорчи болалар руҳиятида ана шу адолатга соя ташлайдиган ҳолатлар — лоқайдлик, бепарволик юзага келган.

Ота-оналарга мурожаат қиламиз:

— Зарурат юзасидан болаларини бозорга чиқараётганлар бор. Ўзи новвойлик қилиб, боласига нон соттирадиган рўзғорлар, қассоблик қилиб, фарзандини гўшт бозорига юборадиган хонадонлар йўқ эмас. Амакиси, қўшниси, тоғаси ёнига «савдода кўзи пишисин, эртага бошига рўзғор тушади», деган мақсад билан чиқариладиган болалар ҳам учрайди. Аммо боланинг бозорга эрта кириб кетиши яхши оқибатга олиб бормаслигини ўз танамда синаб кўрдим. Ўғлим 6-синфгача «аъло» баҳога ўқирди. Синфдаги ўғил болаларнинг деярли ҳаммаси «3» га ўқир, қизлари — аълочи... «Сен ҳам аълочисан, қиз боласан» деб масхара қилишибди. Шу-шу, ўқишдан безди. Қазифуруш ўртоқлариникига қатнади. Уч-тўрт сўм пул олиб келса, суюнибмиз. Ўртада мактабни зўрға тугатди. Мана, ҳозир тайинли касби йўқ. Бир кун қўлида пули бўлса, эртаси кафти бўш. Ахир, бозор дегани ҳам бир кун ундай, бир кун бундай. Бозорда ҳам ҳар ким “яшаб” қолавермас экан.

Отанинг фикрларини давом эттирадиган бўлсак, бугунги бозор кечаги бозор эмас. Бозор тижоратчидан катта билимни талаб қиляпти. «Пул санашни билса бўлди-да», деган қоидалар кун сайин эмас, соат сайин эскиряпти. Бугунги кун тижоратчидан тил билиш, ҳуқуқни, замонавий техника билимларини эгаллашни ҳам сўраяпти.

Шундай экан, 5-6-синф билими билан бозорларда юрган бу болаларнинг эртаги тақдири нима бўлади? Улар ана шу чала саводлари билан қаергача боради? Қайсидир корчалоннинг югурдагига айланмайдими, бола-чақани боқиш учун, қўлини кўксига босиб, кимларгадир бош эгиб яна «қуллуқ», деб яшайдими?

Тўғри, биз жамиятимизда болаларга бўлган катта эътибор, катта меҳрни ҳис қилиб турибмиз. 11 ёшида умумтаълим мактабини битираётган, 16 ёшида университет талабаси бўлган ёшларимиз билан фахрланамиз. Мусиқа, тасвирий санъат соҳасида ҳам халқаро мусобақа, танловларда ғолиб бўлган, эртаги ҳаётига аллақачон мустаҳкам пойдевор қўйган болаларимиз ҳам кўплигидан қувонамиз. Аммо бозордаги болалар ҳам — бизники. Уларда ҳам истеъдод бор. Бугун ҳатто чарм куртка, жинси костюмини кийиб, чарм туфлиларда ясаниб савдо қилаётган, чўнтагида пули бор бойвачча болаларни эртага ҳам шундай яшайди, деб кўнглимиз хотиржам тортолмайди. Чунки бу бойлик уларнинг эгнида, қўлида. Биз уларнинг қалбини илм билан бойитсак, ҳунарли қилсак, шундагина хотиржам тортишимиз мумкин. Чунки бу бойлик уларнинг ўзи билан қолади.

— Қонун бўйича 14 ёшдан ота-онаси розилиги билан кунига 4 соат ишлаши мумкин. Энди ҳаёт осон эмас. Отаонасига «ҳа-ҳа» лашса, бекор юргандан кўра, — дейди ҳуқуқ ходимларидан бири. — Уларни ҳадеб «қув-қув» қилаверсак, ота-онасининг кўзига хунук кўринамиз...

Биз ҳам «қув-қув» тарафдори эмасмиз. Бу ҳолат ўсмир болалар руҳиятида биз кутган бошқа бир норозиликларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Хўш, унда қандай қилиб болаларни бозордан қайтарамиз?

— Ўз болалари келажагини ўйлаган маҳаллалар аллақачон бу борада анча ишлар қилиб қўйган, — дейди хизмат сафаримиз чоғида хоразмлик маҳалла оқсоқолларидан бири. — Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам берилади, аммо қўлдан берганга қуш тўймас, деган нақл бор. Шунинг учун маҳаллада очилган нонвойхона, ошхона, пойабзал таъмирлаш устахоналари, машина таъмирлаш жойлари — турли катта-кичик корхоналарга каттароқ болаларни мактабдан сўнг бир-икки соат ёрдамга чақирамиз, ҳам иш ўрганади, ҳам рўзғорга қарашади.

Оқсоқол айтганлари — битта йўли.

Мактаби учун ширкат хўжалигидан шартнома асосида ер олиб, болалар билан экин-тикин қилаётган, кам таъминланган оила болаларига даромадидан ўқув қуролларини олиб бераётган, қўғирчоқ театрлари ташкил этиб, оз-кўпми пул билан эртаклар саҳналаштираётган, шу ҳисобдан эҳтиёжманд оила болаларига ёрдам бераётган мактаблар бор. Уларнинг ютуғи — шунда. Бозорга чиқиб кетаётган болаларнинг ҳаммаси катталар назоратида, деб бўлмайди. Айримларининг ота-оналари ўз ташвишлари билан банд, ўсмирлар эса фақат олди-сотди эмас, бошқа кўчаларга кириб кетишаётгани сир эмас.

Айниқса, эрта бозорга кириб, турли муомала-муносабатларда юзи очилиб, тили ўткирлашиб кетаётган қизлар тақдиридан ҳам ташвишга тушмай иложимиз йўқ. Чунки улар ўзи билан бу обҳавони қайсидир оилага олиб кириши мумкин. Ўзи билан фарзандларига ўтказиши мумкин. Баъзан бу бети очиқлик уларнинг бахтига ҳам тўсиқ бўлади. Юқоридагидек мактаблар эса болаларни бағрида асраб, ана шу кўнгилсизликлардан ҳам муҳофаза қилади.

— Мактаб бозор эмас. Мактаб барибир мактаб. Ҳозир тоифаланганмиз. Олий тоифага эришсак, маошимиз кўпроқ. Барибир ўқитувчилар орасида кучли рақобат вужудга келиши керак. Қайси ўқитувчи кўпроқ «аълочи» ва намунали хулқли болаларни кўпроқ тарбияласа, унга кўп ҳақ тўланиши керак. Шундагина муаллим болалар тақдирига яна ҳам кўпроқ қизиқади.

Бу яна бир фикр — муаллим фикри.

Бир мақолада «Болалар нима учун бозорга чиқиб кетаяпти, қандай қилса, бу ҳолатнинг олди олинади? Мактабнинг қандай бурчи бор, ойланинг-чи?» деган саволларга батафсил жавоб бериш осон эмас. Башарти жавоб топганимизда ҳам бу бизнинг фикримиз бўлади.

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА.**

# Аччиққўл соҳилида

«Таътил – 2003»

Орол денгизи жанубидаги саҳролар маржони орасида оромижон масканлар оз эмас. Хусусан, Нукуснинг нақ ёнбошидаги Аччиққўл ҳам ана шундай баҳаво, таътил учун бекиёс жойлардан саналади. Бу ердаги ором масканлари, жумладан, кўпчиликка маълум «Юлдузча» дам олиш лагери тубдан ўзгарди. Бир неча йилдирки, уни «Қорақалпоқтутину» акциядорлик компанияси ўз ҳомийлигига олиб, оромгоҳни бугунги кун талаблари даражасида жиҳозлаш учун бир неча миллион сўм маблағ сарфлади. Оромгоҳ мажмуи таниб бўлмайдиган митти шаҳарчага айланди. Мовий кўл, воҳа табиатининг ўзига хос кўринишлари, туронгул дарахтлари, буталар билан бурканган жойга йигирма биринчи асрнинг қулайликлари кириб келди. Оромгоҳнинг 3 та биносида ҳам болаларнинг таътил кунлари сермазмун ўтиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар муҳайё. Айниқса, уч йўналиш оромгоҳ турмушининг асосий тамойилларига айланган. Аввало, бу ерда ҳордиқ чиқариш учун келган ўғил-қизларнинг соғлиғини мустаҳкамлашга асосий эътибор берилади. Фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар бор. Оромгоҳ кутубхонасида, маънавият ва маърифат бурчагида болалар ўқув йили давомида олган билимларини янада мустаҳкамлайдилар.

«Юлдузча»да ўтган йили ҳам бўлган эдик. Ўша мавсумда оромгоҳ таътил охиригача 450 нафар ўқувчини ўз бағрига олган эди. Бу йил тўрт карралик навбат мобайнида жами 500 ўқувчи таътилнинг энг қайноқ, завқли дамларини шу ерда ўтказишади.

«Обод маҳалла йили»нинг мавсумини «Юлдузча» ўзининг анъанага айланган қоидаси билан бошлаб берди. Биринчи бўлиб оромгоҳ ўз оғушига Хўжайлидаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларидан ва экологик ҳалокат марказида яшаб келаётган Мўйноқ шаҳри болаларидан бир гуруҳини қабул қилиб олди. Ўтган йили ҳам оромгоҳ «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларидан 30 нафарига, кўзи ожиз ва кам таъминланган оилалар болаларидан катта қисмига бепул йўлланма берган эди. Бу гал ҳам айнан шундай бўлди.

«Юлдузча» жойлашган мавзеда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси Нукус атрофидаги экологик вазиятни мўътадиллаштириш учун ўзига хос «яшил белбоғ» яратган эди. «Юлдузча»да эса мустақиллик наслларини комил инсонлар қилиб тарбиялаш борасида хайрли ишлар уддаланмоқда.

Яширишнинг ҳожати йўқ: ҳар гал «Юлдузча» Қорақалпоғистондаги ёзги оромгоҳлар орасида улоқни олиб кетишга ўрганган. Шуни ҳисобга олиб мавсумнинг дастлабки кунида бу ерга болалар таътилини уюштиришга масъул бўлган мутасаддилар келишди. Лагернинг ибратли фаолияти билан танишишди.

— Оромгоҳда болаларнинг ҳар бир куни, ҳар бир соати мазмунли ўтишига мумкин қадар имконият яратиб бердик, — дейди «Қорақалпоқтутину» акциядорлик компанияси раиси, Жўқорғи Кенгес депутати Ҳамид Файзуллаев. — Эртанги кунимиз эгалари тўғрисида чинакамига ғамхўрлик қилиш келажагимиз хусусида ғамхўрлик қилишдан бошқа нарса эмас.

***Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***

ЎзР Олий аттестация комиссияси жамоаси ижтимоий-гуманитар фанлари бўлимининг бошлиғи Раъно Сайфуллаевага отаси
**Рауф САЙФУЛЛАЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази жамоаси республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази директори Убайдулла Олтиновга опаси
**Меҳрихон АБДУҚОДИРОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Республика радиосининг жамоаси Қашқадарё вилоятидаги ўз мухбири Боймурод Кўнғировга отаси
**Хушмурод ҚЎНҒИРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

М.Қориёқубов номидаги Академик халқ ва бадиий жамоалари дирекцияси «Туркистон» камер оркестри созандаси
**Дилшод ЙЎЛДОШЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Буюк Ипак йўлининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтадиган қисмини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш бўйича бош бошқармаси жамоаси бош бошқарма бошлиғи муовини Нигмат Атажановга фарзанди
**Фарҳоджон АТАЖАНОВнинг**
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси ўқув бўлими бошлиғи, доцент Маҳмуджон Мусажоновга умр йўлдоши
**ФАРИДА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Савдогар» республика савдо-ишлаб чиқариш фирмаси бошқаруви ва жамоаси «Ўзбексавдо» А.К. собиқ масъул ходими
**Барно БОБОЖОНОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


**«Халқ сўзи»**
**«Народное слово»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир**
**Аббосхон**
**УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати:
**Э. БОЛИЕВ**
(масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**П. ДЮГАЙ,**
**Ш. ЖАББОРОВ**
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**Л. КУЧЕРЕНКО,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Г. ПРОХОРЕНКО,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**А. САИДОВ**
(масъул котиб — «Народное слово»),
**М. САФАРОВ,**
**И. ЎТБОСАРОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ**
(бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**А. ҲАЙДАРОВ,**
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 133-52-55;
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм* — 133-10-17;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15; 132-12-08
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 518,
29520 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **А. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **Ю. ҲАМИДОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **Ҳ. КАРИМОВ.**
Навбатчи — **М. ҲОЛМАТОВА.**
Мусаҳҳиҳ — **Ш. МАШРАББОЕВ.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди* — 22.25
1 2 3 4 5 6